O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 40 (146)-сон, 2006 йил 12 октябрь | www.21asr.com

МАОРИФ

3 Мавжуд таълим даргоҳларини жиҳозлаш учун **2 млрд. 609 млн. 45 минг** сўмлик ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналар харид қилинди

ТИББИЁТ



7 Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлар аҳоли манфаатларига тўла мос бўлиб тушмоқда

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Россия тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар ҳажми бўйича Япония ва Канадани ортда қолдирди

Мамлакатимиз ҳудуди ерости ва ерусти захираларига бой. Буни биргина Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда ишга туширилган замонавий нефть ва газ конлари ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти. "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонасида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган "ISO 9001:2000" сифат менежменти тизими жорий этилган. Бу эса маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Айни кунда корхона "Ернель", "Лукойл", "Зеромакс" каби бир қатор хорижий компаниялар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Мақсад —ёқилғи-энергетика таъминотини янада яхшилаш, республика эҳтиёжлари учун ҳар қачонгидан кўп ва сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат.

Давоми 4-саҳифада.

Зафар кетидан зафар

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР ПАХТАДАН 426 МИНГ, СИРДАРЁЛИКЛАР ЭСА 250 МИНГ ТОННАЛИ ХИРМОН УЙДИЛАР

Истиқлол шарофати, Қашқадарё аҳлининг фидокорона меҳнати яна бир карра ўз самарасини берди. Мулк шакли ўзгариб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилгани ютуқлар омили бўлди, дейиш мумкин. Айни пайтда Қашқадарёдаги фермерлар сони 30 мингга яқинлашди. Пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари эса 15 мингдан ошди.

Вилоят деҳқонлари сув танқислигига қарамай, 173 минг гектар майдонга уруғ қадаб, уни тўлиқ ундириб олишга эришган эдилар. Ёз бўйи қилинган тинимсиз меҳнат эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Касби, Қарши, Нишон, Миришкор ва Муборак туманларида ҳар гектар ердан 45-50 центнердан ҳосил олинди.

Сирдарё вилоятида эса ташкил этилган 7 минг 472 фермер хўжалигининг 5 мингдан зиёди шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддалади.

Бу рақамлар "ЎзА"нинг кеча тарқатган хабарида алоҳида тилга олинди.

Ҳақиқатан ҳам 115 минг 300 гектар майдонда ғўза парваришлаган сирдарёлик пахтакорлар қабул пунктларига 250 минг тонна пахта топшириб, она-Ватанимизнинг пахта хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Мулкка бўлган муносабат, ўз олдига қўйилган мақсадга онгли ёндашув, соҳада яратилган тизим муваффақият ва юзи ёруғлик омили бўлди, дейиш мумкин.

Парламентлараро муносабатлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВА СТРАТЕГИК МАНФААТЛАРИГА МУВОФИҚ РАВИШДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ПАРЛАМЕНТ ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ РОЛИ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўз мухбиримиз

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда ҳозирги замон жамияти ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида тўхтовсиз чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёнлари шароитида мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда парламентнинг ролини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қўмита раиси М. Тешабоев таъкидлаб ўтганидек, халқаро муносабатлар соҳасидаги асосий мақсад ва вазифаларга эришиш, шу жумладан, ривожланган демократик давлатларнинг парламентаризми тажрибасини ўрганиш юзасидан парламент томонидан изчил иш олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад улар томонидан тўпланган тажрибани, ўзимизнинг миллий хусусиятларимизни, анъаналаримиз ва халқ менталитетини ҳисобга олган ҳолда халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчилигимизга сингдиришдан иборатдир.

Давоми 2-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

Ассадни Исроилга чақиришмоқда



Исроил бош вазирининг ўринбосари Шимон Перес Сурия президенти Башар Асад воситачиларсиз музокаралар олиб бориш учун Қуддусга келса, бу ерда ниҳоятда хурсанд бўлишларини айтди.

Бу ҳақда у президент Асад Сурия Исроил билан музокараларга тайёр эканлигини маълум қилган куннинг эртасигаёқ миллий телевидение эфирида гапирди. "Агар у: "Мен учрашишни истайман", — деса, ишончим комилки, Исроил: "Жуда соз, келинг, учрашамиз ва гаплашиб оламиз", - дея жавоб қайтаради", - деди Перес.

Бироқ Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт ўринбосарининг баёнотини шарҳлагани йўқ. Унинг вакили бундай таклиф Шимон Переснинг ўзидан чиқаётганини айтиш билан кифояланди.

Исроил ва Сурия ўртасидаги тинчлик музокаралари бундан олти йил муқаддам тўхтаб қолган эди. Ўшанда Сурия 1967 йилдаги "олти кунли" уруш пайтида Исроил томонидан эгаллаб олинган Жўлон тепаликларини унга бериш талабини қўйган эди.

Би-би-си шарҳловчиси Жон Симпсон хабар беришича, эндиликда Сурия Исроил томонидан бўладиган ҳужумдан хавфсираётгани йўқ, чунки Исроил ўтган ёзда Ливандаги операциялар давомида "Ҳизбуллоҳ" гуруҳини тор-мор қилишга муваффақ бўла олмади.

Мактаблардаги зўравонликка қарши



АҚШ президенти Жорш Буш мамлакат мактабларидаги зўравонлик муаммоларига бағишланган миллий конференция ўтказиш ташаббуси билан чиқди. АР агентлиги хабар беришича, бундай тадбирда Американинг биринчи хоними Лаура Буш, таълим вазири Маргарет Спеллинг ва бош прокурор Альберто Гонзалес иштирок этадилар.

Вашингтондаги National 4-H Conference Centerда бўлиб ўтадиган саммитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари вакиллари ва барча даражадаги мансабдорлардан иборат 300 дан ортиқ киши иштирок этиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: кейинги икки ҳафта мобайнида учта штат — Колорадо, Висконсин ва Пенсильваниядаги мактабларга қуролли ҳужум уюштирилди. Умуман олганда ўтган ўқув йили мобайнида Америка мактабларида ўн беш нафар ўқувчи ўлдирилди ва ўнлаб болалар ярадор қилинди.

Асосий маҳсулот — экспортга

ҚЎҚОН ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ НЕГИЗИДА ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ҚЎҚОН-ХОФ-ТЎҚИМАЧИ" ҚЎШМА КОРХОНАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Алижон МИРЗАБОЕВ

Бу ерда йил давомида 14 минг 500 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 12 минг тонна йигирилган ип тайёрланади. Ана шу маҳсулотнинг 3 минг 500 тоннаси корхонанинг ўзида ишлаб чиқариладиган трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш учун сарфланади, уларга шу ернинг ўзида ранглар берилади. Йил давомида 15 миллион дона футболка ишлаб чиқарилиб, унинг 80 фоизи экспорт қилинади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА БИЗНЕС

Тараққиётнинг «ўзбек модели» хусусиятлари XXI асрда

ҚИММАТГА ТУШГАН «АРЗОН» БАҲО

Қонунни оёқости қилиш ишончсизлик илдизига сув қуйиш билан баробар

ОҚ ХАЛАТДАГИ «ҚОРА» ДОҒЛАР

O`zLiDeP фракцияси муносабат билдиради

Фермерлик ҳаракати O`zLiDeP диққат марказида

БУГУН МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ ФЕРМЕРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ, ДЕСАК, ХАТО ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ. ДЕМАК, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДАН МАНФААТДОР БЎЛГАН АНА ШУ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИ, УЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН МУАММОЛАРГА АНА ШУ ЖИҲАТДАН ҲАМ БЕФАРҚ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ.

Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Марказий кенгашининг куни-кеча бўлиб ўтган қўшма мажлисида айнан ана шу хусусда сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона вилоятида фермерлар билан бўлган учрашувида тилга олинган фикр-мулоҳазалар, "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори бўйича Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва бугунги кунда фермерлар олдида турган долзарб масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Қарийб тўрт соат давом этган мажлисда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев ҳамда ЎзФХУ Марказий кенгаши раиси С.Қобиловларнинг партия ва уюшма ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги бош битимга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маърузалари тингланди.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	913,33	1 Миср фунти	214,77	1 Польша злотийси	396,30	10 Жанубий Корея вони	12,82
1 Англия фунт стерлинги	2302,47	1 Исландия кронаси	18,00	1 СДР	1818,39	10 Япония иенаси	103,31
1 Дания кронаси	208,12	1 Канада доллари	1093,51	1 Туркия лираси	822,63	1 Россия рубли	45,92
1 БАА дирҳами	335,19	1 Хитой юани	155,76	1 Швейцария франки	977,27	1 Украина гривнаси	243,78
1 АҚШ доллари	1231,07	1 Малайзия ринггити	333,49	1 ЕВРО	1551,39		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ЯХШИ қонунлар адолатсизликнинг олдини олади

O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ва партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари ва партия фаоллари Ўзбекистон Республикасининг "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси

■ **Феруза ЭГАМОВА,**
"XXI asr" мухбири

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакат Президентининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини белгилашга хизмат қилади. Муҳокама чоғида депутатлар, партия фаоллари ҳамда йирик корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари томонидан ҳомийлик фаолиятини олиб борадиган субъектларга имтиёзлар бериш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. O`zLiDeP электорати бўлган тадбиркорлар ва фермерлар фаолияти ҳомийлик ҳаракати билан узвий боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Сўзга чиққанлар лойиҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик фаолиятини ихтиёрийлик асосида амалга ошириш ҳуқуқи белгиланганини маъқуллашди. Уни янада такомиллаштириш юзасидан тадбиркорлик субъектлари ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширувчи компаниялар ўз таклиф-мулоҳазаларини ёзма равишда тақдим этишлари мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

5 та боб ва 22 та моддадан иборат ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳомийлик ҳаракати ривожланишини таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий замин, иқтисодий ва молиявий механизмлар яратилишини кафолатлайди.

Қўшма мажлисда сўзга чиққан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова қонун лойиҳаси юзасидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлари ҳам ўз нуқтаи-назарларини фракцияга тақдим этсалар, қонун лойиҳасини янада бойитиш ва ҳар томонлама мукаммаллаштириш имконияти юзага келган бўлар эди, деган таклифни киритди.

Мажлисда "Умумжаҳон почта иттифоқи уставига тааллуқли еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

• • •

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясида навбатдан ташқари мажлис ўтказилди. Унда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда Жиноят кодексининг 239-моддасига ҳамда Жиноят-процессуал кодекси 49, 50, 53 ва 353-моддаларининг турли қисмларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан депутатларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Сўзга чиққанлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир қатор таклифлар киритдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги атрофлича ўрганиб чиқилди.

Парламентлараро муносабатлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бироқ шулар қаторида депутатлар қўмиталар даражасидаги парламент делегацияларини айирбошлаш, парламентлараро алоқаларнинг долзарб муаммолари юзасидан қўшма конференциялар, семинарлар ва "давра суҳбатлари", ҳар икки томонни қизиқтирадиган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро экспертизасини ўтказиш, парламентнинг тегишли тузилмалари ўртасида тезкор ахборотни доимий равишда алмашиб туриш сингари парламентлараро ҳамкорликнинг асосий шакл ва усулларини яққол тасаввур қилишлари ҳамда амалиётга татбиқ этишлари лозим.

Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И. Неъматов депутатларга Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари ривожланишининг бугунги аҳволи, тенденциялари ва истиқболлари ҳақидаги маърузани тақдим этди. У Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати устувор йўналишлари ва алоҳида давлатлар билан дипломатик муносабатларининг хусусиятларига батафсил тўхталиб ўтди, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига доир ишлар хусусида сўзлаб берди.

Миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини айнан халқаро муносабатларнинг ривожланиш тенденциясидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш лозим бўлади. Шу мавзу юзасидан сўз олган депутат Л. Руломов бундай деди:

— Мустақил ривожланиш йилларида парламент томонидан икки томонлама ёки кўптомонлама битимлар ва ҳужжатларни ратификация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг универсал хусусиятга эга бўлган халқаро актларга қўшилишига доир 150 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистоннинг 2005-2006 йиллардаги халқаро муносабатлари олға томон жиддий равишдаги силжиш билан изоҳланади. Бундай муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада мукаммаллаштиришда объектив заруратни вужудга келтиради. Энг аввало, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг амал қилаётган актлари мониторингини ўтказиш зарур, чунки улар 1997 йилгача қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида фақат таҳририй хусусиятга эга бўлган тузатишлар киритилган. Шунинг учун ҳам мазкур ҳужжатларнинг кўпгина қоидаларига аниқлик киритиш талаб қилинаяпти. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларни тизимлаштириш ва туркумлаштириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Депутат З. Мунавваров Ўзбекистон Республикасининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги миллий манфаатлари ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида ахборот берди. Конференция ишида Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев иштирок этди ва халқаро муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини ошириш масалалари ҳақида батафсил фикр юритди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш чоғида, шунингдек, фуқаролик жамияти қурилиши жараёнларини ривожлантиришда халқаро муносабатларнинг таъсири, мамлакат ташқи сиёсий стратегиясининг аҳоли турли ижтимоий гуруҳлари томонидан қабул қилиниши тўғрисида ҳам гапирилди.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ҳашарчи аёллар — партия сафига

Андижон. O`zLiDeP Пахтаобод туман кенгашининг "Аёллар қаноти" юртимизда пахта йиғим-терими айни қизиган паллада яхши ташаббус билан чиқди. Уй бекаларидан иборат 220 кишилик ҳашарчилар гуруҳи тузилди.

Улар бир неча кундан буён миллий бойлигимиз бўлган оқ олтинни нест-нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиштириб олишда деҳқонларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Қувонарли жиҳати шундаки, меҳнатдан сўнг уюштирилаётган турли маданий тадбирларда теримчи аёлларга партиянинг дастур ва мақсадлари кенг тушунтирилиб, улар даланинг ўзида O`zLiDeP аъзолигига қабул қилинди.

Тумандаги фермер хўжаликларида ҳашарчилар гуруҳи шу кунгача 260 тоннадан кўпроқ пахта терди. Илғор теримчилар партия туман кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириб борилаяпти.

Ҳам рағбат, ҳам суҳбат

Самарқанд. Республика Маънавият — тарғибот марказининг Самарқанд вилоят бўлими ҳамда партия вилоят кенгаши Жомбой туманидаги "Туябулоқ" фермер хўжалиги пахта далаларида тер тўкаётган илғор теримчиларни рағбатлантириш, шу билан бирга, Президентимизнинг жорий йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида "Миллий ғоя ва маънавият" мавзуида учрашув ўтказди.

Маълумки, фуқароларимиз маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқ хўжалигининг бирон-бир соҳасида жиддий ривожланишга эришиб бўлмайди. Одамлар қалбида миллий ғоямиз асоси ҳисобланган Ватан равнақи, юрт фаровонлиги ва тинчлиги, ўз хизмат бурчини чуқур масъулият билан адо этиш сингари инсоний фазилатларни шакллантирибгина, мустақил мамлакатимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш мумкин. Сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Долзарб мавзуда баҳс-мунозара

Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерациясининг мажлислар залида партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази» ҳамда Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан "O`zLiDeP хусусий мулкдорлар манфаатларини қонуний ҳимоялашни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблайди" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб берилаётгани, натижада хусусий мулкдорларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ошиб бораётгани, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, Президентнинг бу борада олиб бораётган сиёсатидан тадбиркорлар мамнун эканликлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Партия томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Касаначилик — авлодларга мерос

Навоий. Партиянинг Қизилтепа туман кенгаши томонидан аёллар ўртасида касаначилик фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган "Авлодларга мерос" мавзуида тадбир ташкил қилинди.

Унда ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, тадбиркор ва ишбилармон аёллар, Хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди. Тадбирда Президентнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, асрлар мобайнида такомиллашиб келаётган миллий ҳунармандчилик санъати намуналари ва касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Фермерлик ҳаракати O`zLiDeP диққат марказида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фермерлар онгига либерал-демократик ғоялар ва миллий қадриятларни сингдириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий эркинлигини таъминлаш, бу борада мавжуд муаммолар ечимини топиш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш — бош битимда белгиланган асосий вазифалардир. Уюшма ана шу мақсадда 2005 йилда қайта ташкил этилган эди. Гап фермерлик ёки тадбиркорлик хусусида кетар экан, қишлоқ мулкдорлари манфаатини ҳимоя қилиш O`zLiDePнинг бирламчи вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Ана шу умуммақсадга эришиш йўлида партия ва уюшма ҳамкорлиги доирасида муайян тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳузурида Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ва Жамоатчилик кенгаши тузилди.

Маълумотларга кўра, 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра республикамизда 188 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга ажратилган жами ер майдони 4 миллион 919 минг гектарни ташкил этмоқда. Республика бўйича ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 26 гектар ер майдони тўғри келиб, уларда 1 млн. 200 мингга яқин киши иш билан банд. Жорий йилда етиштирилган пахтанинг 85 фоизи, ғалланинг 80 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Агар ўтган йили 124 мингдан ортиқ фермер хўжалигига 3,5 млн. гектардан ортиқ ер майдони ажратилгани, пахта ва ғалланинг 70 фоизи фермерлар улушига тўғри келганини ҳисобга олсак, бир йилдаги тафовут яққол кўзга ташланади. Айни пайтда ЎзФХУ ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан фермер хўжаликларига малакали консалтинг-маслаҳат хизматлари кўрсатувчи инфратузилмалар ташкил этилмоқда. Уюшма тизимида ташкил этилган марказлар томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида 19 938 та фермер хўжаликларига 191 миллион сўмлик турли хилдаги хизматлар кўрсатилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг салоҳияти ошиб бораётгани, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг тўғри йўли танланганлиги, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар натижаси айнан шу соҳа вакилларининг ташаббускорлиги, қатъияти ва, албатта, ислоҳотлар моҳиятини нечоғлик англаб етишларига боғлиқдир. Йиғилишда таъкидланганидек, фермер хўжаликлари эришаётган муваффақиятларни инкор этмаган ҳолда соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев ўз маърузасида мавжуд камчиликларга муносабат билдирар экан, партия ва уюшма ҳамкорлигида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорлар, хусусан, фермерлар манфаатларига мос келадиган қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинишида ташаббускор бўлиш, бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратди. Қолаверса, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва уларга узоқ муддатга ижарага берилган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш энг муҳим вазифалардандир. Шулардан келиб чиққан ҳолда уюшма ва партия ҳамкорлиги тўғрисидаги бош битимга асосан банк, молия тизими хизматлари, шунингдек, кредит масалалари юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этишни давом эттириш, хорижий инвесторлар томонидан таклиф этилаётган қайта ишлаш технологиялари, техника воситаларини кредитга, лизинг асосида олиш шартлари ва афзалликлари юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Тадбирда қишлоқ хўжалигини минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда бу борада яхши натижаларга эришган хўжаликларнинг иш тажрибасини бошқа фермер хўжаликларида ҳам қўлланиш лозимлиги айтилиб, бу борада аниқ таклифлар билдирилди. Хусусан, "Ўзэкспомарказ" МКК" ОАЖ ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнология ва ускуналарнинг доимий кўргазма-савдоси ташкил этилиши ишлаб чиқарувчиларнинг танлаш имкониятини кенгайтирганлиги алоҳида эътироф этилди.

«Микрокредитбанк» раиси Жамшид Сайфуддинов фермерларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам ва турли хизматлар ҳамда бу борада жойларда йўлга қўйилган тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, қулайликлари тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари Илҳом Насриев, Зиёдулла Убайдуллаев, партия нашри — "XXI asr" газетаси бош муҳаррири Миродил Абдурахмонов сўзга чиқиб, мажлисда кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва тилга олинган масалаларни ҳал этиш барчага бирдек масъулият юклаши лозимлигини таъкидладилар. Қизғин мунозаралар руҳида ўтган қўшма мажлис сўнгида давлатимиз раҳбарининг фарғоналик фермерлар билан учрашувида кўтарилган масалалар ҳамда бош битим ижросини таъминлашда O'zLiDeP ва ЎзФХУ олдидаги устувор йўналишлар ҳамда вазифаларнинг долзарблигига эътибор қаратилди. Шунингдек, қўшма йиғилишда юқорида тилга олинган кўргазма очилишидан олдин фермерлар, соҳа мутасаддилари ва партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказишга келишиб олинди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ОДАМ қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик фойдаси тегади

МАОРИФ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ҳунарли эл хор бўлмас

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҲАМ РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ.

Келажак — ёшлар қўлида... Ортиқча изоҳ талаб этмайдиган ушбу ҳақиқатнинг нечоғли ҳаққонийлигини кўҳна тарих исботлаб турибди. Шундай экан, мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, таълим тизимини янгилашга масъул муассасалар олдида турган вазифалар ниҳоятда кўламли эканлигини соҳа эгалари чуқур ҳис этмоқдалар. Хўш, бу борада қўриқ Сирдарё вилоятида аҳвол қандай?

■ Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири

— Рустамбек Абдуназарович, истиқлол бизга таълим-тарбия ишларини бугунги кун талаблари даражасида олиб боришдек имкониятларни яратиб берди. Ана шундай имкониятлардан соҳа ходимлари қай даражада фойдаланаяптилар?

— Имкониятлар ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса арзигулик, Аммо улардан нечоғли самарали фойдалана олиш бевосита соҳа кадрларига боғлиқдир. Айни пайтда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 1720 нафар педагог ва ўқитувчи-муҳандис меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 нафари фан доктори, 36 нафари фан номзодидир.

Вилоятдаги тизимга тегишли барча ўқув даргоҳлари жамоалари "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги 63 сонли "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги қарори асосида фаолият кўрсатиб, муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Айниқса, истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан Гулистон академик лицейи директори Саме Самадовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонининг берилиши барчамизни янада кўпроқ изланиб ишлашга, фидойилик кўрсатишга руҳлантириб юборди. Тизимдан чиққан биринчи қаҳрамоннинг тақдирланиши юртимизда меҳнат қилаётган барча педагог ва ўқитувчи-муҳандислар хизматига берилган муносиб баҳодир. Камтарона меҳнатимиз юксак қадрланаётгани боис, бундан буён ҳам кадрлар тайёрлаш миллий дастурини сидқидилдан бажариш йўлида бор тажриба ва билимимизни, ғайрат ва шижоатимизни аямаймиз.

Истиқлол йилларида вилоятимиз ўрта махсус ва касб-ҳунар тизимида фаолият юритаётган икки нафар педагог "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонига, 16 нафар устоз эса "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси" нишонига, қатор мураббийлар турли орден ва медаллар билан мукофотлангани, Янгиер академик лицейи раҳбари Мамараҳим Исроиловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз ва бу бизнинг келажак авлод тарбияси олдидаги масъулиятимизни юз чандон оширганлигини ҳам юракдан ҳис этаяпмиз.

— Тизимда раҳбар ва педагог кадрларнинг салоҳиятини янада ошириш бўйича қандай чоралар кўрилаяпти?

— Соҳада амалга оширилаётган ишлар муваффақияти тўғридан-тўғри раҳбар кадрлар салоҳиятига бориб тақалади. Президентимиз томонидан 2005 йил 28 февралда қабул қилинган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши асосида мавжуд 32 та лицей ва коллеж раҳбарлари касб-кор синовига таклиф қилинди. Аттестациядан ўтмаган 16 нафар раҳбар ўрнига танлов асосида янгилари тайинланди.

Бундан ташқари, раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Жорий йилда турли фанлар бўйича режага асосан 330 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагог пойтахтда ўз малакасини ошириб қайтди. Вилоятимиздаги илм даргоҳларида эса "Доимий ҳаракатдаги малака ошириш ўқувлари" ташкил этилган. Унда ўтган йили тизимимиз ходимларидан 800 нафари бевосита ўқув машғулотларида ўзаро тажриба алмашдилар. Қисқа қилиб айтганда, ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши ва ҳамиша ижодий изланишда бўлмоғи лозим. Акс ҳолда у оддий иш бажарувчига айланиб қолади.

— Бошқарма тасарруфидаги ўқув даргоҳлари талабалари эришаётган натижалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— 2005 йилда ўрта махсус, касб-ҳунар тизими бўйича ўтказилган олимпиаданинг республика босқичида Сирдарё вилоятидан 11 та фан бўйича 13 нафар ўқувчи қатнашди.

Умумий натижа бўйича 7-ўринни эгаллаб, аввалги йилга нисбатан 7 поғона юқорига кўтарилдик. Пахтаобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Сарварбек Маматқулов яхши натижаларга эришиб, Тошкент юридик институтига, Гулистон академик лицейи ўқувчиси Замира Мавлонқулова, Янгиер академик лицейи ўқувчиси Жамшид Зуфаров француз ва инглиз тиллари бўйича олий ўқув юртларига имтиёзли кириш ҳуқуқини берувчи сертификатларга сазовор бўлишди.

> 2006 ЙИЛ ДАВОМИДА 4 ТА ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚУРИЛАДИ ВА БИТТАСИ МУКАММАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАДИ. БУНИНГ УЧУН ЖАМИ 5,5 МЛРД. СЎМЛИК ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Спорт соҳасида эришилган натижалар ҳам ёмон эмас. Агар 2003 йили "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз 8-ўринни эгаллаган бўлсалар, 2005 йил май ойидаги республика финалида фахрли 3-ўринни қўлга киритишди. Мухтасар қилиб айтганда, Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув юртлари ўз мавқеларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб боришаяпти. Ҳозирда Нукус шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод — 2006" спорт мусобақаларига жиддий ҳозирлик кўраяпмиз.

— Рустамбек Абдуназарович, вилоятда қурилиши ниҳоясига етиб, фойдаланишга топширилган лицей ва коллежларни ҳеч иккиланмай таълим кошоналари, дегимиз келади. Уларни замонга мос жиҳозлаш, янгиларини қуриш қандай кечаяпти?

— Педагог меҳнати унинг шогирдлари иқтидори билан белгиланади. Шу нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлсак, эришаётган ютуқларимиз чакки эмас. Масалан, таълим тизими доимий изланишни, олдинга интилишни талаб этади. Чунки ҳаёт давом этар экан, таълим тизими ҳам муттасил ривожланиб бораверади. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, янги-янги ўқув даргоҳлари ҳам бунёд этилаверади.Тақдир тақозосини қаранг-ки, асли қўриқ вилоят ҳисобланган Мирзачўлда яқинда гидромелиорация касб-ҳунар коллежини қуришга асос солинди. Буни жуда узоқни ўйлаб қилинган иш дейиш мумкин. Чунки ерларини тез-тез шўр босиб турадиган воҳада ушбу касб эгаларига талаб жуда катта. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ҳосилдорлигини кўтариш учун мутахассислар сув билан ҳаводек зарур. Айни пайтда ушбу илм даргоҳи қурилиши жадал олиб борилаяпти. Қурилиш-монтаж ишларини "Маҳмуд Достон" хусусий фирмаси амалга оширмоқда. Гулистон тиббиёт коллежининг янги биноси ҳам келгуси ўқув йилида талабаларни қабул қилиб олади. Мухтасар қилиб айтганда, 2006 йил давомида 4 та янги коллеж қурилади ва биттаси мукаммал реконструкция қилинади. Бунинг учун жами 5,5 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини замонавий жиҳозланишига келсак, аввало, яратилган шарт-шароит ҳам уларнинг ташқи кўринишига монанддир. Яқин йиллар мобайнида мавжуд ўқув даргоҳларини жиҳозлаш учун жами 2 млрд. 609 млн. 45 минг сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналари харид қилинди.

— Президентимиз ўз нутқларидан бирида "Биз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак", деган эдилар. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳаётда ўз ўринларини топишаяптими?

— 2006-2007 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 11 минг нафар ўқувчи коллеж ва академик лицейларга қабул қилиндилар. 5144 нафар талаба эса ўқишни тугаллади. Айни пайтда уларнинг 361 нафари турли олий ўқув юртларида ўқияпти. 3561 нафари эса ўзлари эгаллаган касб бўйича турли корхоналарга ишга қабул қилиндилар. Бу ёмон кўрсаткич эмас, қолган 1227 нафар битирувчимизни ҳам ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юртимизнинг порлоқ келажаги пойдеворини қураётган барча ҳамкасбларимиз келажак эгалари олдидаги масъулиятларини ҳис этмоқдалар. Менимча, энг асосийси ана шунда.

ТУРДИЕВ Рустамбек Абдуназарович — Сирдарё вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.

ДАВРА СУҲБАТИ

Кеча пойтахтимизнинг "Марказий" меҳмонхонасида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Республика Маънавият тарғиботи маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган муҳим анжуманда республикамиздаги энг йирик ННТлар, хорижий нодавлат ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

«Ижтимоий секторда демократик ислоҳотлар: умуминсоний ва миллий қадриятлар»

■ Ўз мухбиримиз

Давра суҳбатини Маънавият тарғиботи маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов кириш сўзи билан очиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсир табиий ҳол эканлигини, бунда эса маҳаллий ва хорижий ННТларнинг роли муҳимлигига эътибор қаратди.

Иштирокчиларнинг асосий эътибори одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёслигига қаратилди.

Давра суҳбатида халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори Р.Фармонов "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишида ННТларнинг иштироки" мавзуида маъруза қилди. Нотиқнинг фикрича, юртимизда фаолият олиб бораётган маҳаллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маънавий ва жисмоний баркамол шахсни тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси салмоқли. Бугунги кунда Ўзбекистонда 80 дан ортиқ хорижий ННТ ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Улар асосан беғараз гуманитар ёрдам, хайрия, маданий ва маърифий дастурларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида беғараз ёрдам, хайрия ниқоби остида Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланиб келган анъаналар ва қадриятларни ўзгартиришга қаратилган ғоялар тарғиботи билан шуғулланаётганлар ҳам борки, бу ҳар биримизни огоҳликка чорламоғи шарт.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг озод ва обод бўлишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар қандай фуқаронинг муқаддас бурчи эканини, бунда ННТларнинг ҳам роли муҳим эканлигини таъкидладилар.

АНЖУМАН

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Лойиҳа тақдимоти

■ Шаҳринисо ҚЎЛДОШЕВА

Бу соҳада турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган ҳафтада Япония томонидан "Тошкент давлат шарқшунослик институтида япон тилини ўрганиш ва японшунослик учун жиҳозларни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида мазкур илм даргоҳига умумий қиймати 87 минг АҚШ долларига тенг ўқув қуроллари топшириш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳа вакилларининг сўзларига кўра, ундан кўзланган мақсад ушбу олий ўқув юртида япон тилини ўргатиш ва японшунослик бўйича тадқиқотлар олиб бориш имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

САНОАТ

ФАҚАТ ташаббускорлик, фаолликкина эзгуликнинг ҳақиқий қадр-қимматини белгилайди

Обод Ватан фарзандлари

Мустақиллик йилларида "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таянчларидан бирига айланди, десак муболаға қилмаган бўламиз. 2006 йил 16 августда "ISO 9001:2000" халқаро стандарт талабларига тўлиқ жавоб берадиган сифат менежменти тизими жорий этилганлиги ва қўлланилаётганлигини тасдиқловчи нуфузли сертификатга лойиқ деб топилди. Ушбу Халқаро сертификат корхона истеъмолчиларини доимий равишда белгиланган меъёр ва андозаларга мос маҳсулотлар билан таъминлашга, унда ер ости бойликларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмларини сақлаш ҳамда ошириш мақсадида янги қувватларни ишга тушириш, замонавий технологияларни жалб қилиш, меҳнатни ташкил этишда янги усуллар ва жаҳон тажрибасини қўллаш, корхона ишчилари сафини истиқболли кадрлар ҳисобидан кенгайтириш, билим савиясини ошириш ва жамоада самарали меҳнат қилиш учун зарур муҳит яратилганлигини яна бир карра тасдиқлади.



Зумрад АБРОРОВА, «XXI asr» мухбири

— Нефть ва газ конденсати қазиб олишни кескин ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё стандартлари даражасига етказиш учун қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, янги конлар очиш йўли билан хомашё базасини кўпайтириш мақсадида жуда катта меҳнат қилинди, - дейди нуфузли корхона раҳбари Шермат Шамсиев. – Энг қувонарлиси — нефть ва газ саноатини ривожлантириш концепцияси ёш ва билимдон маҳаллий мутахассислар томонидан амалиётга татбиқ этилди. Кўкдумалоқ кони ишга тушгач, мамлакат тўлиқ нефть мустақиллигига эришди. Соҳамиз мамлакат иқтисодиётининг энг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллиги таъминланибгина қолмай, балки нефть ва газ қазиб чиқариш кўпайди, сифати яхшиланди, маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди.

Айни пайтда Қашқадарёдан ташқари Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳудудида корхоналаримиз фаолият юритаяпти. 31 та кон бетўхтов ишлаб турибди. Кўкдумалоқ, Зеварда, Алан, Помуғ, Қултоқ, Ўртабулоқ, Денгизкўл, Шимолий Ўртабулоқ, Умид, Жанубий кемачи, Муборак каби асосий конлардан қазиб олинаётган нефть ва газ конденсати улкан қувурлар орқали Муборак газни, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб берилмоқда. Қоровулбозор, Муборак нефть қуйиш эстакадаларида йиғилган маҳсулотлар темир йўл орқали Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига жўнатилаётир. Ўртабулоқ, Денгизкўл конларидан қазиб олинаётган юқори олтингугуртли газдан ажратиб олинаётган маҳсулот қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилаяпти.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида нефть ва газ ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган талай корхоналар бунёд этилди. Айниқса республикамиздаги энг йирик ҳисобланган Кўкдумалоқ конида катта ишлар қилинди. Бу ерда ҳам Шермат Шамсиев бор билим ва маҳоратини ишга солиб, бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшди. Аввалари Кўкдумалоқдан қувурлар орқали Зеварда нефть тайёрлаш қурилмасига 500-600 тонна нефть келиб турарди. Қисқа фурсатда Ш.Шамсиев раҳбарлигида бунёд этилган янги қурилма ишга туширилгач, бир кеча-кундузда қазиб олинаётган маҳсулот миқдори 7,5 минг тоннага етказилди. 1994 йил Кўкдумалоқда нефть, 1996 йил эса газ конденсат тайёрлаш қурилмалари иш бошлади. Ерости захира босимини ушлаб туриш ва газ конденсатини бир меъёрда қазиб чиқариш мақсадида еростига газ ҳайдаш станцияси, коннинг ерости захирасига сув ҳайдайдиган катта босимдаги насос станцияси қурилди.

Бугунги кунда нефть қазиб олиш, нефть остига захирага сув ҳайдаш, табиий газ олиш ҳамда унинг таркибидан конденсатни ажратиш, қазиб олинган газни захирага ҳайдаш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Қатлам остига газ ҳайдаш, босимни бир меъёрда ушлаб туриш, конденсатнинг унумдорлигини ошириш мақсадида қисқа вақт ичида "Келлог" компрессор станциясида модернизация ишлари амалга оширилди. МДҲ давлатлари ичида ягона ҳисобланган мазкур станцияни қуриш ва ишга туширишда Шермат Шамсиев ҳамда унинг шогирдлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Айни пайтда ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш мақсадида СРТДС, "Чанцин", "Ериель", "Лукойл", "Зеромакс", "Истана Каранг Лаут" каби нуфузли хорижий компаниялар билан ҳамкорликда йўлдош газларни йиғувчи компрессор станциясини кенгайтириш, юқори олтингугуртли Хаузак, Шоди конларини ишга туширишда, горизонтал қудуқларни бурғулаш, қатламни сув ва қум билан ёриш ишлари амалга оширилаётир.

— Шермат ака бошлаган ишини ниҳоясига етказишни хуш кўрадиган инсон, - дейди корхона бош муҳандиси Дилшод Ҳақбердиев. - Айни пайтда меҳрибон дўст, ғамхўр раҳбар ҳамдир. Ишловчилар билан дилдан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни зудлик билан бартараф этади. Қувонарлиси, устоз ҳар бир ишловчининг саломатлиги, оилавий аҳволи билан қизиқиб, ёрдамга муҳтожларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беради. Корхонада спортнинг барча турларини ривожлантириш, турли мусобақалар ташкил этишга ҳам бош-қош бўлмоқда. Шахмат мусобақаларида ўзи ҳам фаол қатнашади. "Машъал" футбол жамоаси Ўзбекистон миллий чемпионатининг муваффақиятли иштирок этаётганлиги ҳам Косонлик Жўрақул муаллим ва унинг турмуш ўртоғи Шаҳзода опа ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун уларнинг барчаси олий маълумотли мутахассис сифатида самарали меҳнат қилишаяпти. Оиладаги олтинчи фарзанд — Шермат Шамсиев газ ва нефть саноати соҳасини танлади. Шу мақсадда Тошкент политехника институтига ўқишга кирди. 1982 йилнинг саратонида курсдошлари — Муродилло, Фатхиддин, Фарҳодлар билан Муборак чўлининг қоқ ўртасида жойлашган Жанубий ўртабулоқ-Денгизкўл конига амалиётга келишганди...



Ўқиш тугагач, бирга амалиёт ўтаган дўстлари негадир Муборакка келишни истамадилар. Институтда яхши ўқиган, жамоат ишларида фаол қатнашганларга иш жойини танлашда алоҳида имтиёз бериларди. Шерматда ҳам ана шундай имконият бор эди. Аммо у Муборакни танлади...

Шу тариқа Шермат Шамсиев 1985 йилнинг яна айни саратон палласида нефть ва газ конларини ишга тушириш технологияси ва комплекс механизациялаш ишлари мутахассиси сифатида Муборак газ конлари бошқармасига қарашли Помуқ газ-конденсат конига ишга келди. Ўша кезларда шароит анчагина оғир, бунинг устига конларда ишлаётган муҳандис-техник ходимларнинг тўқсон фоизи бошқа миллат вакиллари эди. Уни технолог лавозимига тайинлашди. Лекин у иш жараёнларини яқиндан ўрганиш мақсадида кўплаб вақтини бурғуловчилар билан ўтказарди. Қора ишдан орланмагани учун орадан кўп ўтмай, ёш инженерни ишчилар жуда яхши кўриб қолишди.

Очиғи, ўша йилларда маҳаллий мутахассисларга мураккаб жараёнларни бошқаришни унчалик ишонаверишмасди. Шермат эса бир неча ой давомида қурилмаларнинг ишлаш технологиясини чуқур ўзлаштириб олди. Ҳатто созловчи-инженерлар — Бахтиёр Каримов ва Володя Шуров билан маслаҳатлашган ҳолда автоматлаштириш жараёнларини ихчамлаштиришга эришди. Таклиф маъқул тушиб, 1986 йили ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шу тариқа ёш мутахассис бошқарма раҳбариятининг назарига тушди...

Шермат аканинг шогирдлари бугунги кунда корхонанинг энг етакчи цех ва конларини бошқаришмоқда. Диспетчерлик хизмати смена бошлиғи Салим Эрниёзов, Зеварда кони бошлиғи Илаш Қулмуродов, Кўкдумалоқ комплекси бошлиғи Алишер Мустафоев, Алан газ-конденсат кони бошлиғи Равшан Саидов, Кўкдумалоқ кони бошлиғи Ислом Беков, техника бўлими муҳандиси Равшан Қурбонов, Қуруқ кони бошлиғи Зафар Абдурахмонов, бош технолог Шерзод Шоимов, Зеварда кони бошлиғи ўринбосари Обид Шаропов, Жанубий Ўртабулоқ, Денгизкўл, Қовузак, Самантепа конлари бошлиғи Қаҳрамон Қурбоновларни корхонанинг фахри дейиш мумкин. Корхонада МДҲ давлатлари ичида биринчи маротаба Жанубий кемачи ва Умид конларидаги нефть ва газ уюмларини биргаликда ишлатиш усули қўлланилди. "Жанубий кемачи" конида бир кеча-кундузда 6 млн. куб метр нефть ва газ маҳсулотларини биргаликда тайёрлайдиган қурилма ўрнатилиб, бугунги кунда қуввати яна 3 млн.куб метрга оширилди.

Яқинда яна бир янгиликка қўл урилди. Кўкдумалоқ газни комплекс тайёрлаш қурилмасида реконструкция ишлари амалга оширилиб, Украинанинг Харьков шаҳридаги "Турбогаз" корхонасида тайёрланган 5 та турбодетандер – газнинг кириш босими паст бўлган ҳолатда ҳам унинг таркибидан олинаётган конденсат миқдорини барқарор сақлаш учун зарур бўлган техник жиҳозлар ўрнатилди. Натижада қурилмада тайёрланаётган газ ва конденсатнинг миқдори ошиб, сифати кескин яхшиланди.

Бугунги кунда 3500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхона вилоятда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Муборак шаҳридаги йўллар таъмирланиб, янги бозор, вилоят кардиология марказининг биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман болалар шифохонаси, "Ниҳол" боғчаси, вилоят эндокринология ва онкология диспансерлари, Яккабоғдаги "Саховат" қариялар уйи бинолари таъмирланди. Шаҳрисабз туманидаги Навоий номли фермерлар уюшмаси ва Муборакдаги "Геолог" маҳалласи, Миришкор туманидаги қишлоқларни газлаштириш учун қувурлар олиб берилди. 8 та мактаб биноси ҳар йили корхона ҳисобидан сифатли таъмирланади.

Шермат Шамсиев Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоси сифатида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиб, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш борасида ҳам қатор эзгу ташаббуслар билан чиқмоқда. Масалан, Муборак шаҳрида касаначиликни ривожлантириш орқали ишсизликни камайтириш, фермер хўжаликларига замонавий минитехнологиялар сотиб олишга кўмаклашиш, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида турли мавзулардаги семинарлар ташкил этишда жойлардаги партия ташкилотларига амалий ёрдам бериб келаяпти.

... У сарҳадсиз саҳролар, бепоён кенгликларни кезаркан, ана шу чексиз замин қаъридаги қимматбаҳо бойликлар — бизники, озод юртимизники эканлигини ҳис этиб, қалби ифтихорга тўлар...

Уларни тасарруф этиш, мамлакат тараққиёти, эл маъмурлиги йўлида хизмат қилдиришдан ҳам ортиқроқ бахт борми, оламда?

ФАОЛЛАРИМИЗ

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Ўғлимни ишдан бўшатишди...

"Яқинда ўғлим бир қўшма корхонага ишга кирган эди. Лекин корхона раҳбари уни 6 ойдан кейин бўшатиб юборди. Ваҳоланки, меҳнат шартномаси бир йилга тузилган эди. Корхона раҳбарининг хатти-ҳаракати тўғрими?
Олимжон АЛИҚУЛОВ, Жиззах шаҳри".

— Албатта, нотўғри. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинадиган бўлса, ходим бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилиши зарур эди. Белгиланган муддат давомида меҳнатга оид муносабатларни ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари сабабли бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно этганда, унга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун, меҳнат ҳақи сақланган ҳолда, ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

Ҳаммомнинг пулини мендан ундиришмоқчи

"Мен ўз уйимни икки йил муддатга бир оилага ижарага бериб, узоқ муддатли хизмат сафарига кетган эдим. Таътилдан қайтсам, ижарачилар менинг рухсатимсиз ҳовлимда ҳаммом қуриб олишибди. Шунинг ҳисобидан эндиликда улар уч ойлик ижара ҳақини тўлашдан бош тортишмоқда. Ўртадаги бу низони қандай ҳал этса бўлади?
Абдуғани ҲАҚБЕРДИЕВ, Навоий вилояти".

— Ижарага олувчи тегишли уй-жойдан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини тўла таъминлаши ва уни яхши ҳолда тутиши шарт.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ижарага олувчи шахс ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуриш, тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмас. Ушбу вазиятда Сиз рухсатсиз қурилган ҳаммомни буздириб ташлашга, шунингдек, ижарада турувчидан уч ойлик ижара ҳақини ундириб олишга ҳақлисиз. Агар ўртадаги низо келишув асосида ҳал бўлмаса, фуқаролик судига мурожаат этиш мумкин.

Қўшнининг дастидан тинчлик борми?

"Маҳалламизга кўчиб келган ён қўшнимиз бир ойдан буён сотиб олган уйини таъмирламоқда. Бунга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Лекин таъмирчи усталар туни билан шовқин-сурон билан ишлаб, мусиқа қўйиб, тинчлигимизни бузишмоқда. Танбеҳ берган эдик, ўртада жанжал чиқди. Қонунчиликда бунинг учун қандай жазо чораси кўзда тутилган?
Эътибор ХОЛМАТОВА, Бекобод шаҳри".

— Тунги пайтларда, яъни соат 23.00 дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталигини бузиш, овоз чиқарувчи ускуналардан нотўғри фойдаланиш, шовқинга сабаб бўладиган ишлар билан шуғулланиш, шунингдек, тинчликка рахна солувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Шунга кўра, Сиз участка нозирига шикоят билан мурожаат қилишингиз керак. Қонунда тартиббузарликларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг бир қисми миқдорида жарима белгилаш кўзда тутилган.

Никоҳ шартномаси нима?

"Эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномаси қандай мақсадларда тузилади? Шу ҳақда тўлароқ маълумот берсангиз.
Моҳира ҚИЛИЧОВА, Тошкент шаҳри".

— Никоҳланувчи шахслар ёки эр ва хотин никоҳда бўлган даврда, эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси, деб юритилади. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Бундай шартнома ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра, ўзаро моддий ёрдам бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, никоҳдан ажралган ҳолларда ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, қолаверса, никоҳ шартномасига мулкий муносабатларга оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақлидирлар.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

ПАРТИЯВИЙ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШГА УНДАЁТИР

КОРХОНА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН АЙНИ ПАЙТДА 20 КИШИ КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЖАМИЯТДА ЯШАБ ТУРИБ, УНДАН ЧЕТДА БЎЛИШ МУМКИН ЭМАС

Хато қилишга ҳаққимиз йўқ!

ТАШАББУСКОРЛИК, СИЁСИЙ ФАОЛЛИК ВА УЙҒОҚЛИК БУГУНГИ КУН КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ, – ДЕЙДИ «ҚАШҚАДАРЁ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ АБРОР БУЗРУКОВ

Бу ҳар бир кишидан алоҳида масъулият талаб этади, албатта. Қаҳрамонимиз илгари бирор сиёсий тузилма сафида бўлмаган. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилгач эса, унга биринчилар қаторида аъзо бўлди. Ўшандан бери партиянинг дастурий ғояларини тарғиб қилиш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Аброр БУЗРУКОВ,
1975 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг молия-иқтисод бўлимини битирган. Айни пайтда «Қашқадарёэлектртармоқлари» жамиятида бўлим бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси

— Партиявий бурч ҳар биримиз учун муқаддас, — дейди А. Бузруков. — Бинобарин, O`zLiDeP аъзоси сифатида эл юкига елка тутишимиз, жамият ижтимоий ҳаётида ўз ўрнимизни топишимиз, одамларни ўйлантириб турган муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Бу эса доимий изланишни тақозо этади. Бошланғич ташкилотнинг дастлабки йиғилишида 7 нафар партия аъзоси қатнашган бўлса, бугун улар сони 30 нафарга яқинлашиб қолди. Аъзоликка қабул қилишда, энг аввало, ўша ходимнинг маънавий қиёфаси ва ижтимоий фаоллигига эътибор қаратамиз. Зеро, бундай кишилар ҳар қандай партиянинг олтин захирасини ташкил этишади.

Давр шиддат билан илгариламоқда. Одамлардаги интеллектуал қобилиятни ўстириш, тадбиркорликни ривожлантириш, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳозирги кундаги асосий вазифалардан биридир. Фаолларимиз кўмаги билан Қарлиқ қишлоғида электр, ичимли сув ва табиий газ таъминоти яхшиланди, кўплаб ёшлар фермер хўжаликларига, турли корхоналарга ишга жойлаштирилди. Президентимизнинг 308 сонли қарори асосида ночор ва камхарж оилаларни чорва моллари билан таъминлаш, тадбиркорларга микрокредит ажратишда яқиндан кўмаклашиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш диққат марказида тутилаяпти.

— Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш, берилган топшириқлар ижросини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Зеро, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга хос бўлган муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда ўзимизга, билим ва қобилиятимизга, жонкуярлигимизга боғлиқдир. Партия аъзоси эзгу ғояларнинг фаол ва жонкуяр тарғиботчиси бўлиши лозим. Партиямиз тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтириш, ишсизликни камайтириш, жамият фаровонлигига эришишни энг мақбул ва самарали йўл, деб ҳисоблайди. Бу эса биз — фаоллар зиммасига алоҳида масъулият юклаши шубҳасиз. Бинобарин, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш, партия ғояларини рўёбга чиқариш, унинг сафларини сиёсий етук, юксак эътиқодли кишилар ҳисобига кенгайтириш биринчи даражали бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бу масалада лоқайдликка йўл қўйиш эса, хато қилишга тенгдир.

БПТ раиси ҳақ. Сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш учун биринчи навбатда изчиллик ва катта ташкилотчилик талаб этилади. Партия аъзоларининг ғоявий билимларини чуқурлаштиришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Сиёсий ўқувлар олиб борилмоқда. Бунда тарғиботнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Партия аъзоларининг асосий қисми олий маълумотли бўлиб, ўз касбининг билимдонлари ҳисобланади. Шу боис йиғилишлар қизиқарли ва тортишувларга бой бўлади. Тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда Дилором Фармонова, Сирож Бозоров, Умрзоқ Раҳмонов каби фаоллар-нинг ҳиссаси каттадир. Учрашув ва мулоқотлар чоғида асосий эътибор ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни зарарли ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш каби долзарб масалаларга қаратилаяпти.

O`zLiDeP фаоли Раъно Хушмуродованинг ташаббуси билан жойларда "Тежамкорлик — фаровонлигингиз кафолати" мавзуида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ушбу мулоқотларга Қарши шаҳридаги маҳаллалар ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар жалб қилинаяпти. Тажриба кўрсатадики, электр нурини тежаб-тергаб ишлатиш кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Тежалган электр қуввати давлат учун ҳам, фуқаролар учун ҳам кони фойда. Маълум бўлишича, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётганлар кўп ҳолларда электр энергиясини мақсадсиз ишлатишади. Партия фаолларининг аралашуви билан бу ҳолга чек қўйилиб, айни кунда аҳоли ўртасидаги қарздорликни камайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳадемай Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан 20 минг ўринли стадион, олимпия захиралари коллежи ва бир қанча спорт иншоотлари қад ростлади. Бугун вилоят марказида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароит муҳайё. Бироқ кўпчилик аёллар буни ўзларига эп кўрмайдилар. Жойларда ўтказилаётган тадбирлар давомида хотин-қизларни спортга кенгроқ жалб этиш, уларнинг жисмоний саломатлигини яхшилаш, бу борада ҳомийлар ёрдамига таяниш масалалари ўртага ташланиб, уларнинг ижросини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бу ноёб бойлигимиздан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчим эканлиги қайта-қайта таъкидланган эди. Бу, албатта, бежиз эмас. Хонадонларимизни чароғон, мушкулимизни осон қилаётган кишиларнинг хизматини қадрлашимиз лозим.Дейлик: бир квт.соат энергия ишлаб чиқариш учун 385 грамм шартли ёқилғи керак бўлади. Ўрта ҳисобда ойига 450 млн.квт.соат энергия истеъмол қилинади. Вилоятда 368,4 мингдан зиёд истеъмолчи бўлиб, шунинг 351,2 мингдан ортиғини аҳоли хонадонлари ташкил этади. Етказиб берилаётган электр қувватининг йиллик миқдори 4,72 млрд.квт.соат. Пулга чақилганда, бу 172,5 млрд. сўм, демакдир. Афсуски, катта маблағ ва машаққатли меҳнат ҳисобига ишлаб чиқарилаётган бебаҳо бойликдан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Шу муносабат билан БПТ фаоллари электр энергиясини тежаш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Чунки энергия ресурсларидан мақсадли фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам Чироқчи, Шаҳрисабз, Кўкдала, Қамаши туманларидаги подстанцияларда юқори қувватли трансформаторлар ўрнатилди. Аҳоли зич жойлашган маҳалла ва туманлар ҳудудидаги 22 та трансформаторнинг қуввати оширилиб, 17 та участкадаги техник жиҳозлар янгиларига алмаштирилди ва ҳоказо. Хуллас, биз хизмат сифатини яхшилаш учун қўлимиздан келган барча ишни қилаяпмиз. Истеъмолчиларимиз ҳам бунга жавобан тежамкорлик билан иш тутиб, бебаҳо бойлигимизнинг қадрига етсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бошланғич партия ташкилоти учун алоҳида хона ажратилган. Унда сиёсий адабиётлар, мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журналларнинг тахламлари мавжуд. Партиявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш, аъзолар фаоллигини ошириш учун Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказиб келинаётган машғулотларни бошланғич ташкилотларда ҳам йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман. Ана шунда кўзланган мақсадларга янада тезроқ етишамиз.

Ҳамширадан чиққан фермер

Илгари жомбойликлар Сайёра опани қўли енгил ҳамшира, фаол аёл, сифатида танишарди. Бугун эса...

■ **Назокат ШЕРБОЕВА, Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбирлари**

Гоҳо турмушда учраб турадиган қийинчиликлар инсон иродасини тоблаб, унга катта сабоқ бераркан. Умр йўлдоши Йўлдош Шаманов вафот этганда, Сайёра опа буни бошиданўтказган эди. Ҳамшираликдан воз кечиб, унинг ишини давом эттиришга аҳд қилди. Тўрт нафар фарзандни ўқитиш, эл қаторига қўшиш осон бўлгани йўқ, албатта. Йўлдош ака тафаккури кенг, зиёли инсон эди. Фарзандларини ҳам шу руҳда ўстирди. Бугунги кунда унинг орзулари бирин-кетин ушалмоқда.

Ҳаётнинг ўзи катта мактабдир. Сайёра Раупова буни шахсий фаолияти давомида кўп бор синаган. O`zLiDeP сафига киргач, унинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришга баҳоли-қудрат ҳисса қўша бошлади. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Қўрғонсарой қишлоғидаги 27-мактабни таъмирлаш учун 1 млн. 200 минг сўм маблағ ажратди. Кам таъминланган 5 та оилага соғин сигир туҳфа қилди.

Ҳозирги кунда бошланғич партия ташкилотининг 16 нафар аъзоси бор. Шулардан 6 нафари фермер хўжалигида меҳнат қилса, қолганлари 27-мактаб ва қишлоқ даволаш пункти ҳамда болалар-боғчасида иш юритишади.

Қаҳрамонимиз фермерлик фаолиятини ғалла, пахта, сабзавот етиштиришдан бошлаган эди. Бугунги кунда 64 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда. Белгиланган режа-топшириқлар ортиғи билан бажарилаяпти. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша.

Бу йил давлатга 48 тонна пахта етказиб бериш режалаштирилган эди. Биринчи теримдаёқ ваъдага вафо қилинди. Эндиликда мажбурият ҳисобига ҳосил топширилмоқда. Нафиса Ғуломова, Гулистон Эшназарова каби фаоллар етакчидан ибрат олиб, барча соҳада ўрнак бўлмоқдалар. Зеро, эзгу мақсад уларни бир сафга жипслаштирган.

— O`zLiDeP Дастури менинг орзу-умидларим билан муштаракдир, — дейди С. Раупова. — Шу боис унинг аъзоси эканлигим билан фахрланаман.

Бу йил фермер хўжалиги далаларида етиштирилган буғдой-у пахта олий навли уруғлик учун топширилди. Насиб қилса, даромадимиз ҳам шунга яраша бўлади. Келгуси йилда болаларимиз таҳсил олаётган мактабга икки дона компьютер совға қилишни, қишлоқ аҳли учун сартарошхона ва тикувчилик устахонаси қуриб ишга туширишни режалаштирганмиз.

Катта эътибор қаратиб, мактаб жамоаси ва ўқувчи-ёшлар билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Бу эса O`zLiDeP Дастурий ғояларини тарғиб қилишда қўл келаётир.

Сайёра РАУПОВА,
1955 йилда Жомбой туманидаги Қоракесак қишлоғида туғилган. Самарқанд тиббиёт билим юртини тугатгач, Самарқанд тиббиёт институти қошидаги клиникада ҳамшира бўлиб иш бошлаган. 1998 йилдан буён "Туябулоқ" фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси

Замон билан ҳамнафас

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУХОРОЛИК ФАОЛЛАРНИ ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

Эндиликда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини O`zLiDeP фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Узоққа бормайлик. "Бухорогаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси бошланғич партия ташкилоти сиёсий-тарбиявий ишларга жиддий эътибор қаратиб, омма ишончини қозонмоқда. Бу борада Акмал Гареев, Фахриддин Қўшназаров, Ғанишер Қодиров, Оқил Ҳамроев каби фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. O`zLiDePнинг таъсир доирасини кенгайтириш, унинг ғоя ва мақсадларини аҳоли онгига етказиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири



Бу борада корхона касаба уюшма қўмитаси, шунингдек, шаҳардаги 4-маҳалла фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорлик қилинаётганлиги ўз самарасини бераяпти. Жумладан, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, Бухородаги 21-мактаб, 70-"Ситора" мактабгача тарбия муассасаси, "Бухорогаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳисобидан таъмирланди, атрофлар ободонлаштирилди. 2006 йилги Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан 4-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги уй-жойларда истиқомат қилувчи кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга берилган моддий ёрдам, 200 нафардан ортиқ нафақахўрларга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор партия аъзоларининг изчил фаолиятига аниқ мисол бўла олади.

Корхонада бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилган 10 га яқин бўлим мавжуд. Бошланғич партия ташкилоти раиси Улуғ Иноятов улардан бирини бошқаради. Жамоада Сидиқа Мўминова, Любовь Жукова, Лилия Игольникова, Файзулло Ражабов каби малакали мутахассисларнинг ўз ўрни бор. Улар хизмат бурчларини ҳалол адо этиш билан бирга партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Бугунги кунда вилоятда газ ёқилғисидан фойдаланувчи абонентлар сони 256 минг нафарни ташкил этса, шунинг 60 минг нафарга яқини Бухоро шаҳрида истиқомат қилади. Мижозларга намунали хизмат кўрсатиш, "зангори олов" таъминотида узилиш бўлишига йўл қўймаслик диққат марказида турган масалалардан биридир.

Корхона иқтисодиётини ривожлантириш маблағ билан боғлиқ, албатта. Шундан келиб чиқиб, аҳоли ўртасидаги дебитор қарздорликни тугатиш, пул тушумини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Корхона ва ташкилотлар, аҳоли хонадонлари газ ҳисоблагичлар билан таъминланган. Жойларда доимий назорат ишлари олиб борилмоқда. Ҳар йили 25-30 километр узунликдаги қувурлар янгисига алмаштирилаяпти.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, билим ва малакасини бойитиш БПТ фаолиятида устувор йўналишлардан бирини ташкил этади. Ёш мутахассислар вақти-вақти билан Тошкент, Бухоро шаҳарларида бўлиб, ўз тажрибаларини оширмоқдалар. Зотан, ҳозирги кунда замонавий билимларни эгалламай туриб, бирор бир натижага эришиш қийин. Буни корхонанинг ҳар бир ходими, жумладан, O`zLiDeP аъзолари ҳам тўла ҳис этишади. Корхона раҳбари, етук ва билимдон мутахассис - Абдулаҳад Ҳайдаров партия вилоят кенгашининг аъзоси ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати сифатида БПТ фаолиятига яқиндан кўмак бермоқда. Кейинги икки ойда бевосита унинг саъй-ҳаракати билан жамоа ўртасида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Партия вилоят кенгаши Сиёсий таълим марказида машғулотларни асосан етакчи олимлар, тажрибали мутахассислар олиб боришмоқда.

"Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширмасдан туриб, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Онгли ва фаол инсонгина барча қийинчиликларни енгиб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин", дейилади O`zLiDeP Дастурида.

Бу ҳаётбахш сўзлар БПТ атрофига уюшган маслакдошларнинг қалб шиорига айланган бўлиб, уларни олға руҳлантирмоқда. Яна бир муҳим жиҳат. "Бухорогаз" корхонасида автоматик бошқарув йўлга қўйилган. Корхона ёшлари, партия фаоллари бу хайрли ишнинг ташаббускоридир. Хуллас, корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш йўлида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, эртами-кечми, ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Улуғ ИНОЯТОВ,
1960 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. Мутахассислиги — тоғ муҳандиси. Бухоро бадиий ишлаб чиқариш устахонаси, пахта тозалаш заводи, ўқув комбинати сингари корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатган. 2004 йилдан бошлаб "Бухорогаз" ҳудудий газ таъминоти корхонасининг газ режаларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Илф-фан, техника тараққиёти ўзининг юксак босқичига кўтарилган бугунги кунда ҳам почта хизматидан фойдаланувчилар сони ортса ортаяптики, камайгани йўқ. Барча соҳада бўлгани каби мамлакатимиз почта тармоғида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўз самарасини бермоқда. Буни "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Халқаро почтамт" филиали мисолида кўриш мумкин. Ушбу ташкилот фаолияти юзасидан ҳалигача бирор-бир ариза ёки шикоят тушмаганлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Эл хизматига камарбаста

■ Феруза ЭГАМОВА, «XXI asr» мухбири

Мазкур жамоада 2004 йилдаёқ O`zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинган эди. Ҳозиргача унга Ризвонгул Ҳамидова раҳбарлик қилиб келмоқда.

— O`zLiDeP томонидан илгари сурилган ғоялар, мақсад ва вазифалар ҳаётийлиги боис унинг сафига киришга аҳд қилганман. Бу, албатта, катта масъулият, демакдир. Юксак ишончни оқлаш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз лозим, — дейди Ризвонгул опа.

1956 йили Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида туғилган Ризвонгул Ҳамидова касбий таълимни Тошкент шаҳрида олди. Почта хизмати соҳасида меҳнат қилаётганига ҳам 32 йил бўлди. Ризвонгул опа ўз соҳасининг билимдони бўлиш билан бирга сиёсий жиҳатдан фаол, изланувчан ходимлардан биридир. Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан жамоадаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини соғломлаштириш, уларни оромгоҳларга жўнатиш, ёлғиз ва кекса кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилаяпти. "Меҳрибонлик уй"лари ва мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

— Ташкилотимиз ходимларининг 200 нафардан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги ёшлар. Жамоа аъзолари ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришга жиддий аҳамият бераяпмиз, — дейди БПТ раҳбари. — Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотнинг 23 нафар аъзоси бор. Сафимизга қўшилиш истагида бўлганлар ҳам оз эмас. Бу эса партиямизнинг обрў-эътибори кун сайин ошиб бораётганидан далолат беради. Бегдимурод Қуролов, Лилия Шагвалиева, Рустам Замонов каби аъзоларимиз партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

— Айтиш жоизки, баъзан жойларда почта жўнатмаларининг йўлдаёқ "ғойиб" бўлиши ёхуд муҳрнинг бузилиши ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Бунда қанчалик ҳақиқат бор?

— Филиалимиз хорижий давлатлардан почта жўнатмаларини қабул қилиб олади ва мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб тарқатади, — дейди суҳбатдошимиз. — Жўнатмаларни қабул қилиш жараёни қатъий назорат остида. Иш тажрибам давомида ҳали юқоридагидек ҳолатга дуч келмаганман. Бордию шундай бўлиб қолса, дарҳол акт тузилади ва тегишли чоралар кўрилади.

Одамлар корига яраш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш чиндан ҳам савобли ишдир. Хизмат бурчини партиявий фаолият билан қўшиб олиб бораётган етакчининг қатъияти ва ишчанлигига ҳавас қилса арзийди. Зеро, O`zLiDeP ана шундай фидойи, ўз эътиқодига содиқ аъзолари билан кучли ва барқарордир.

Манфаатли ҳамкорлик

ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ЖОЙДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНИБ, МЕҲНАТДАН МАНФААТДОРЛИК ОШАВЕРАДИ

Элликқалъа — Қорақалпоғистон Республикасининг кенжа туманларидан ҳисобланади. Ўзининг 30 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган ушбу туманда ўндан зиёд миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилишади.

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

Мустақиллик йилларида Элликқалъа қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди: замонавий услубдаги коллежлар, мактаблар, қишлоқ-шифокорлик пунктлари қад ростлади, равон йўллар қурилди. Маҳалла ва овуллар ободонлаштирилди, тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан янги чойхона ва гузарлар барпо этилди. Бугунги кунда ушбу иншоотлар аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда.

"Элликқалъа олтин толаси" ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганига чорак асрдан ошди. Айни кунда корхонада 380 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг учдан бир қисми, яъни 120 нафари O`zLiDeP аъзосидир.

— Давр олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда, - дейди корхона бошланғич партия ташкилоти раиси Ҳикматилла Саъдуллаев. — Ишни ана шу асосда ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Жамиятимиз раҳбари Бахтиёр Абдуллаевнинг бевосита ёрдами билан БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Барча сиёсий-маърифий тадбирлар ана шу ерда ўтказилмоқда.

БПТ раиси билан биргаликда корхона раҳбари Б. Абдуллаев ҳузурида бўлдик. Унинг фикрича, ислоҳотлар моҳиятини, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, омма онгига етказиш учун ташкилотчилик ишларини янада кучайтириш лозим.

— Бу, албатта, ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб қилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Кўп масалаларни O`zLiDeP фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Ҳикматилланинг ўзи билан биргаликда ҳал қиламиз. Ўзаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Юртбошимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ҳозирги кунда 20 киши касаначиликка жалб қилинган. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар доимий равишда рағбатлантирилиб турилибди.

Дарҳақиқат, шундай. Корхонада амалга оширилаётган хайрли ишларда партия фаолларининг салмоқли ҳиссаси бор. Отамурод Матниёзов, Шуҳрат Қурбонов, Азимбой Болтабоев, "Шуҳрат" медали соҳибаси Ширин Йўлдошева меҳнатда ўрнак кўрсатиш билан бирга сиёсий тарғиботчилик соҳасида ҳам ибрат бўлишаяпти. Бу йил 860 та фермер билан 27 минг тонна пахтани қайта ишлаш бўйича шартнома тузилган. Айни пайтгача белгиланган ҳосилнинг 90 фоизи қабул пунктларига етказиб берилди. Агар ўтган йили корхонада соф фойда 65 млн. 600 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу рақам 100 млн. сўмга етиши кўзда тутилмоқда.

— Деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган "оқ олтин"ни кўнгилдагидек сақлаш ва уни сифатли қайта ишлаш асосий вазифамиздир, — дейди корхона бош муҳандиси, партия фаоли Отамурод Матниёзов. — Жорий йилда 8860 тонна тола, 14300 тонна чигит, 900 тонна момиқ каби товар маҳсулотлари тайёрлашни режалаштирганмиз. Ҳозир бир кеча-кундузда 160 тонна хомашё қайта ишланиб, ундан 45-50 тонна тола олинмоқда. Энг муҳими, қисқа технологияга амал қилиш электр энергиясидан, газдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини бераётир.

Албатта, самарадорлик бор жойда даромад тайин. Бугун корхона цехларида ҳалол меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар моддий жиҳатдан кам бўлишаётгани йўқ. 180-200 минг сўм ойлик маошга қўшимча ой сайин 50 фоиз устама ҳақ тўлаб борилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш, жумладан, ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш O`zLiDePнинг дастурий вазифаларидан биридир. Корхона бошланғич партия ташкилоти бу борада ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Маслакдошларнинг саъй-ҳаракати билан яқинда 5 нафар йигит-қиз доимий ишга жойлаштирилди. Жамоада узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар катта ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Байрамлар, турли тантаналар муносабати билан уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилади.

— Жойлардаги муаммоларни ҳал этмасдан туриб, ислоҳотларни муваффақиятли равишда амалга ошириб бўлмайди, — дейди партия етакчиси. — Деҳқон ва фермерлар учун зарур моддий-техник шароит яратиш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Фермерларнинг иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан жойларда турли учрашувлар, семинар-ўқувлар ташкил этилаяпти.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган икки томонлама шартномалар йиғимтерим мавсумини муваффақиятли ўтказишда қўл келаётир. БПТ унинг ижросини ўз назоратига олган. Тажрибадан аёнки, манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган жойда деҳқон ҳам, қайта ишловчи ҳам ўз меҳнатидан тўла баҳраманд бўлади.

СОҒЛИҚ — донолар учун туганмас давлат

ТИББИЁТ

2006 ЙИЛ — ШИФОКОРЛАР ВА ҲОМИЙЛАР ЙИЛИ

Саховат ҳеч қачон унутилмайди

— Мурувватли инсонлар ёрдами билан уйим худди янги қурилгандек бўлиб қолди, — дейди Татьяна Яковлевна мамнуният билан. — Партия етакчиларига раҳмат. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан улар биздек қаровчиси йўқ кишилар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсата бошладилар. Аҳволимиздан доимо хабар олиб, совға-саломлар хадя қилмоқдалар.



Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири

Саховатли инсонлар саъй-ҳаракати билан эзгуликка йўғрилган бундай савобли ишлар туфайли йилнинг ўтган даврида вилоятда 350 нафар қаровчисиз кекса ва ногиронларнинг уйларини таъмирлаш учун 23 млн. 700 минг сўм маблағ сарфланди. 2175 та кам таъминланган оилаларга 110 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди ва турар жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Узун, Сариосиё, Шўрчи ва Бойсун туманларида аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга мурувватли инсонлар ҳисса қўшмоқдалар.

— Саховатпеша, мурувватли бўлиш азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комил Абдувоҳидов. — Бироқ Президентимиз томонидан жорий йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилингач, бу ташаббусни биринчилардан бўлиб Термиз туманидаги "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги қўллаб-қувватлади ва вилоят руҳий касалликлар шифохонасини кўрпа, ёстиқ жилдлари билан таъминлади, 7 дона телевизор ҳадя қилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев 360 млн. сўм маблағ сарфлаб, республика давлат дастурига киритилган 40 ўринли "Саломатлик" марказини фойдаланишга топширди. Аҳолига неврология ва кардиология хизмати кўрсатишга ихтисослашган янги тиббиёт муассасаси замонавий усулда жиҳозланган. Бу ерда 10 нафар тиббиёт ходими беморлар дардига малҳам бўлаётир. Уларнинг ойлик маошлари "Лочин" фермер хўжалиги ҳисобидан берилаяпти.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш керак: воҳада ҳомийлик кўрсатишда бошқаларга ўрнак бўлган ҳар иккала фермер хўжалиги раҳбари ҳам O`zLiDeP фаоли саналади. Энг муҳими — партия фаолларининг кам таъминланган, қаровчисиз ва ногиронларни ўз қарамоғига олиши ажойиб удумга айланиб бормоқда.

— Кўзим ожиз бўлиб қолган, — дейди Термиз туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Шобали Нигматов. — "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги раҳбарлари ҳар байрам арафасида келиб, ҳол-аҳвол сўрашмоқда. Моддий ва маънавий ёрдам бериб туришибди. Ана шундай қўли очиқ инсонлар ҳиммати билан биз — қарияларнинг кўксимиз тоғдек кўтарилмоқда, Юртбошимизни, юртимизни, саховатпеша халқимизни дуо қилаяпмиз.

Ўтаётган йилда жанубдаги воҳада яна бир ташаббус қанот ёйди: меҳрибонлик уйлари, ногиронлар интернат-уйлари, ақли заиф болалар мактаб-интернатларини иқтисодий барқарор корхона ва ташкилотлар оталиққа олишди. Йилнинг ўтган даврида ҳомийлар томонидан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 38 млн. 700 минг сўм ажратилди.

— Мавриди келганда бир нарсани мамнуният билан айтиш мумкин, — дея суҳбатни давом эттиради К. Абдувоҳидов. — Бу йил вилоятдаги тиббиёт муассасаларига республикадаги йирик ташкилот, корхона ва хайрия жамғармалари ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатишни йўлга қўйдилар. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ўз маблағи ҳисобидан Термиз темир йўл бекатининг бир кунда 50 беморни қабул қилишга мўлжалланган бирлашган касалхонасини қуриб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлади. "Глобал" фонд жамғармаси вилоят давлат эпидемиология назорати марказини "Дамас", "Меҳр нури" жамғармаси Сариосиё туманидаги тоғли Сангардак қишлоқ-врачлик пунктини "УАЗ" русумли тиббиёт автомашиналари билан таъминлашди. Лўнда қилиб айтганда, касалхона ва қишлоқ-врачлик пунктларини замонавий қилиб қайта таъмирлашда ҳам саховатпеша ҳомийларнинг муносиб ҳиссалари бор. Шу билан бирга улар ёлғиз пенсионерлар ва кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалардаги ногиронларни даволашни ўз зиммаларига олишмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида вилоят сил касалликлари диспансери ва вилоят Репродуктив саломатлик марказига ажратилган тиббиёт автомашиналари ҳам мурувватли инсонлар маблағи ҳисобидан олинди. Вилоят болалар шифохонаси, Музработ тумани марказий касалхонаси ва туман шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими биносини қайта таъмирлаб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маҳаллий бюджет ва саховатпеша ҳомийлар маблағидан фойдаланилди.

Хуллас, бу йил вилоятда тиббиёт муассасалари ва аҳолининг кам таъминланган, ночор қатламларига мурувват ёрдами кўрсатиш ўзига хос ижтимоий ҳаракатга айланди. Бу тадбирни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик механизми яратилди.

Тозаланган қон — танга дармон

Вужудимиз томирларида бир маромда айланиб турган қон тириклигимиз асосидир. У қанчалик тоза бўлса, саломатлигимиз ҳам шунчалик яхши бўлади. Хўш, қонни вақтивақти билан тозалаб туриш учун нималар қилиш керак? "Ўзбекистон Темир йўллари" ДАК Темир йўл қон қуйиш станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди С.Н. БОБОХЎЖАЕВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

Суҳбатдош: Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА

— Садритдин Носирович, айтинг-чи, қонни тозалаш зарурати нимадан келиб чиқади? Бундай муолажа ўтказишнинг сабаблари ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Аввало, қоннинг ўзи, унинг инсон организми учун аҳамияти ҳақида тушунча бериб ўтсам. У одам вужудидаги доимий ҳаракат қиладиган қизил суюқлик бўлиб, 50 фоизи сув, қолган қисми ҳужайралар, ёғ, оқсил, витаминлар, гормонлар ва ҳоказолардан иборат.

Биз қуйида батафсил фикр юритадиган қонни қайта қуйиш усули "плазмаферез" деб аталади. Бундан кўзланган мақсад детоксикация, яъни қонни токсинлардан, соддароқ қилиб айтганда, организмни зарарли моддалардан тозалашдир. Зарарли моддалар нафақат қонда, балки бутун баданда — ҳужайралар оралиғидаги бўшлиқда ҳам мавжуд бўлади. Шундай экан, биз қон орқали бутун организмимизни тозалаб оламиз. Чунки инсон вужудида сувга тўла учта асосий резервуар бўлади, уларда ҳам фойдали, ҳам зарарли моддалар қоришиқ ҳолда учрайди. Қонни организмдан тортиб олиш учун мана шу резервуарлардан биттасига кириб бориш керак. Ҳужайралар ичига кириб бўлмайди, бироқ ҳужайралараро бўшлиқда ҳам томирлар бор. Улардан қонни тортиб олиш, қайта ишлаш, яъни тозалаш ва яна ўз жойига қайта қуйиш мумкин.

Бунда турли хил усуллардан фойдаланилади. Аммо мақсад битта — кераксиз моддаларни чиқариб ташлаш, натижада ҳужайралар, тўқималар ва органлар яхши "ишлаш"ини таъминлашдан иборат. Муолажа амбулатория шароитида ўтказилади. Бемор койкада 1-1,5 соат атрофида ётади, венаси тешилиб, қон тортиб олинади. Венани икки маротаба тешмаслик мақсадида қон тортиб олинганидан кейин 5 фоиз глюкоза, физиологик қоришма, гемодез ва ҳоказо моддалардан таркиб топган томчилагич улаб қўйилади. Мана шу давр ичида қон тозаланади ҳамда яна жойига қайта қуйилади. Инсоннинг умумий ҳолати, касаллик даражаси ва бошқа омиллар назарда тутилган ҳолда плазмани детоксикациялаш катта ёки кичик ҳажмларда амалга оширилади. Биринчи ҳолатдан заҳарланиш рўй берган, яъни бутун плазмани тозалашга эҳтиёж туғилганда фойдаланилади, бироқ бошқа касалликларнинг аксариятида муолажа кичик ҳажмларда ўтказилади.

Қон тортиб олинганидан кейин у центрифугага солинади. Бу ерда қон икки қисмга ажралади, ҳужайра массаси тагига чўкади, таркибида кераксиз моддалар бўлган плазма эса юзада қолади, у олиб ташланади ва ҳужайра массаси жойига қайтариб солинади.

— Қонни бутунлай тозалаш учун қанча муолажа ўтказиш лозим бўлади? Эҳтимол, биттаси кифоя қилмаса керак?

— Бу нарса кўп омилларга боғлиқ бўлади. Сурункали касалликни тўғри даволаш учун муолажалар курсини ўтказиш даркор. Чунки кичикроқ миқдорда (тахминан 15-20 фоиз) қон олинганда, йўқотилган оқсил ҳажми тикланади ҳамда кераксиз патологик моддаларнинг жамланиши бутун тун давомида яна мувозанат ҳолига келади. Шундай қилиб, ҳар гал 15-20 фоиз қонни тозалаб, биз пировард-натижада 50 ёки ҳатто 100 фоиз қонни, 75-80 фоиз тўқимани мусаффо ҳолатга келтирган бўламиз. Хулоса тариқасида айтишим мумкинки, кутилган самарага эришиш учун муолажаларни кун оралатиб етти маротаба ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

— Плазмаферез усули қандай касалликларга қўлланилганда яхши натижа беради?

— Адабиётлардаги маълумотларга қараганда, плазмаферез қўлланиладиган касалликлар сони икки юздан ортиқроқ. Улар орасидан фақат бир қадар кенг тарқалганларини айтиб ўтиш мумкин. Булар — аллергик реакциялар, бронхиал астма, оғир крапивница, доридан ва овқатдан аллергия, ревматоидли артрит, сурункали қизил волчанка, коллинозлар, сурункали аллергик реакциялар, ҳомиладорлик пайтидаги токсикоз, тери касалликлари (псориаз, атоник дерматит, қизил ясси лишай ва ҳоказо). Алкоголизм ва гиёҳвандликни плазмаферезсиз даволаб бўлмайди. Санаб ўтилган касалликларни комплекс даволаш самарадорлиги кўп жиҳатдан мана шу муолажага боғлиқдир. Кейинги пайтларда қандли диабетни даволашда ҳам плазмаферездан тез-тез фойдаланилмоқда.

— Қандли диабет муолажаси ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Одам қандли диабетга чалинганда майда томирлар — капиллярлар зарарланади. Томирлар девори яллиғланади, бляшкалар ривожланиши учун шароит пайдо бўлади, томирлар тораяди, тўқималар керакли миқдордаги кислород ва озуқа моддаларини ололмай қолади. Бундай ҳолатда вазиятни ўзгартиришнинг бирдан-бир имконияти — қонни суюлтириш, капиллярлар озиқланишини яхшилаш, шунга мувофиқ тарзда тўқималар ва органларни соғломлаштириш. Қонни тозалаш муолажалари уни суюлтиришга ҳамда кейинчалик кўрмай қолишга олиб келадиган ретинапатия, гангренага сабаб бўладиган кўл ва оёқ томирларининг ангиопатияси сингари даҳшатли асоратларнинг олдини олиш ёки тўхтатиб қолишга ёрдам беради.

Афсуски, кўпчилик одамлар ўз соғлиқларига етарли даражада эътибор бериш-майди. Агар сиз 5 ёки 6 йилдан буён қандли диабет билан оғриётган бўлсангиз, оёқларингиз совқотмаса, у ҳолда соғлиғингиз ҳақида олдинроқ ғамхўрлик қилганингиз маъқул. Диабетчилар учун ярим ёки бир йилда муолажалар ўтказилса, яхши самара бериши мумкин.

Плазмаферез усул ўтган асрнинг 70-йилларида ДСПКда ўзлаштирилган, даволаш мақсадларида эса 1998 йилдан қўлланила бошланди.

Тўпланган иш тажрибамиз шуни кўрсатиб турибдики, бу усул тери касалликларига чалинган беморларда кўпроқ самара бераркан. Баъзи беморларда плазмаферез муолажасининг биринчи сеансидан кейиноқ натижаси яққол кўрина бошлайди. Интоксикация ва шишлар йўқолди, тери қопламаси бирмунча тозаланди, тошмалар камайди.

Нейродермия ҳолатида беморларнинг аҳволи тўрт сеансдан кейин яхшиланганини қайд этилди. Қонида юқори титр бўлган салбий аёллар резусида — резус - зарарли моддалар (1:32) бўлганда — даволаш плазмаферези 4-5 маротаба ўтказилганидан кейин титр 2-3 босқич пасайди. Овқатдан аллергияси бор беморларда тўрт сеанс ўтказилгач, уларнинг умумий ҳолати яхшиланди, аллергияга қарши дори-дармонга нисбатан сезгирлиги кўтарилди. 3-4 сеансдан кейин контактли дерматит билан оғриган беморлар (сартарошлар)нинг ҳолати яхшиланганини қайд этилди.

Муфассал маслаҳатни **199-78-98** телефони орқали олишингиз мумкин.

МУЛОҚОТ

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда Марказий Осиё ҳудудида ўткир юқумли касаллик — сил бўйича эпидемиологик ҳолат анча ёмонлашган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ҳар йили минтақада 10 млн. дан зиёд одам силга чалинар экан. Ҳозиргача ушбу касаллик оқибатида 3 млн. нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган, 20,8 фоизи эса бир умрга ногирон бўлиб қолган. Мамлакатимизда эса бу касалликни аниқлаш ва даволаш бўйича изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишидан ташқари хорижий мутахассислар ҳам жалб этилмоқдаки, бу ҳам бўлса юртдошларимиз соғлиги учун қаратилаётган эътибордан далолатдир.

Сил — бедаво дард эмас

Сайёра ТУРҒУНБОЕВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 февралдаги 70 сонли қарори асосида ДОТС, яъни "Сил касаллигига қарши курашиш" дастурини амалга ошириш учун ҒФР ҳукумати томонидан республикамизнинг бир қатор вилоятларига 2,5 млн. немис маркаси ажратиш кўзда тутилмоқда. Улар орасида Қашқадарё вилояти ҳам бор. Шу муносабат билан мухбиримиз вилоят 1-сон сил касалликлари диспансери бош шифокори, фтизиатр **Абдулла РАВШАНОВ**га мурожаат этди.

— Айтинг-чи, вилоятда ДОТС дастурининг ижросини таъминлаш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?

— 2004 йил октябрь ойида шифохонамиздаги барча даволаш бўлимлари ДОТС дастури ижросига ихтисослаштирилган эди. Натижада силга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишлар янгича кўлам касб эта бошлади. ДОТС маркази томонидан ташкил этилган ўқув семинарлари давомида Қарши шаҳри, Қарши ва Касби туманларидаги барча ҚВП ҳамда ҚВА шифокорлари, шунингдек, 20 нафар лаборантлар бактериоскопия йўналиши бўйича ўз малакаларини оширдилар. Бу борада замонавий техника воситалари, турли қўлланмалар, видеотасмалар, плакат ва бинокуляр микроскоплардан кенг фойдаланилганлиги жуда қўл келди. Болалар бўлимини таъмирлаш учун 60 млн. сўм маблағ ажратилган. Айни кунда режалаштирилган ишлар ниҳоясига етай деб қолди.

— Маълум бўлишича, силга қарши курашда асқотадиган дори-дармонларни узлуксиз етказиб бериш ДОТС дастурининг асосий йўналишларидан бири экан...

— Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ, десам, муболаға қилмаган бўламан. Сабаби — шифохонамизда алоҳида дорихона очилган. Бу ерда зарур дори-дармонлар ҳамиша муҳайё. Суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Дори-дармонларни жойларга ўз вақтида етказиб бериш учун "Дамас" автомашиналари ажратилган. Қолаверса, мутахассисларимиз жойларда бўлиб, сил касаллиги ва унинг олдини олиш бўйича зарур тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туманда силга қарши диспансер бўлимлари мавжуд. Уларнинг сони саккизтадан ошади. Ўқув машғулотлари, семинар ва очиқ мулоқотлар белгиланган режа асосида ўтказилмоқда. Бу жараёнда нафақат вилоят мутахассислари, балки республика ДОТС маркази вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

— Дастурни тўлиқ амалга оширишга нималар тўсқинлик қилаяпти, деб ўйлайсиз?

— Тўғри, вилоятда силга қарши кураш бўйича бир талай ишлар амалга оширилаяпти. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шифохонамиз ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган. Айни кунда таъмирга муҳтож. Тиббий ускуналар етишмайди. Хоналар талаб даражасида жиҳозланмаган. Бу каби муаммолар қанча тез ҳал этилса, ишимизнинг самараси шунча юқори бўлган бўлар эди.

— Ўткир юқумли сил касаллигидан тўлиқ форғ бўлиш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Бунинг учун касаллик иложи борича эртароқ аниқланиб, унга нисбатан самарали муолажа чоралари кўрилиши зарур. Эсимда бор: икки йилча аввал шифохонага ҳомиладор бир аёлни оғир аҳволда олиб келишди. Танадаги қаттиқ шишдан бемор мутлақо ҳаракатлана олмас, нафаси қисар, ҳатто гапиришга ҳам ҳоли қолмаган эди. Бундай вазиятда ҳомилани асраб қолишнинг иложи йўқ. Чунки силни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар ҳомилага ҳалокатли таъсир кўрсатади. Хуллас, беморнинг ҳолати атрофлича ўрганилиб, тегишли муолажа белгиланди. Бола суньий йўл билан дунёга келтирилди. Қувонарлиси — бугунги кунда она ҳам, бола ҳам соғ-саломат.

Хулоса шуки, баъзилар ўйлаганидек, сил бедаво дард эмас. Тегишли профилактика чоралари кўрилса, уни бартараф этиш мумкин. Кўпйиллик ҳаётий тажриба ҳам шундан далолат беради.

МАЪНАВИЯТ

МАЪРИФАТЛИ халқ шижоатли бўлур.
Шижоат қалбнинг матонатидан,
руҳнинг саломатлигидан иборатдир

АМАЛИЙ САНЪАТ

Сеҳрли бармоқлар

Ўшанда ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган Аслон Рамазоновнинг онгу шуурида фақат болаларга хос соддалигу самимият билан бирга дунёни тўлиқ англаб етиш орзусила йўғрилган кучли бир эҳтирос ҳам бўлгани аниқ. Ким билади дейсиз, балки бу шуур ва эҳтирос ўсмир вужудида, юрагининг туб-тубида унинг раҳматли амакиси, ҳаваскор рассом Ҳоди Омонов мўйқаламидан унган бетакрор ва унутилмас тасвирларни илк бор кўрганида уйғонгандир?! Эҳтимол, Аслонга ўхшаган ўқувчи-ёшларда расм чизишнинг дастлабки кўникмаларини ҳосил қилган моҳир педагог Иброҳим ака Ҳамидов ўгитларидан баҳраманд бўлганида, рассомликнинг илк чечаклари куртак ёзгандир?!

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Ҳа, интилганга толе ёр, деганларича бор экан. Бухоро шаҳрида Раим Ҳакимов ва Фирс Маликов сингари иқтидорли рассомлар фаолият олиб бораётганликларини эшитган Аслон мактабни тугатар-тугатмас, улар ҳузурига ошиққан эди. Харбийликда юрган чоғларида ҳам мўйқалам ва бўёқни, бир зум бўлса-да, четга суриб қўйгани йўқ. Бухоро пиллакашлик фабрикасидагилар Аслонни ҳали-ҳануз илиқ сўзлар билан тилга олишади. Чунки у шу ерда маълум муддат рассом бўлиб ишлаган. Фиждувон шаҳар бадиий устахонасида бош рассом бўлиб ишлаган йилларини ҳам Аслон Рамазонов ширин бир энтикиш билан эслайди. Бундан 15-20 йилча олдин Москвада — Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги қатор тадбирларда ҳам Аслон Рамазонов тез-тез қатнашиб турарди. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, Москва халқ санъати университети дастгоҳли рангтасвир ва графика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган Аслон Рамазонов Бухоро шаҳрида ўтказилган барча тадбирларда, жумладан, шаҳар, вилоят ва республика босқичидаги, шунингдек, халқаро миқёсдаги бадиий кўргазмаларда ўз расмлари билан фаол иштирок эта бошлади. Ёш рассомнинг тасвирий санъат бобидаги интилишлари, миллий бадиий анъаналарга хос, бироқ мутлақо кутилмаган ечимларга мурожаат этиши уни мухлисларга танита борди.

Ўтган йиллар давомида халқ амалий санъатининг етук намояндаси бўлиб етишган Аслон Рамазонов дастлабки пайтда Фиждувон шаҳрида фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик "Бухороқорақўл" акциядорлик жамияти, "Зардўз" АЖда баракали меҳнат қилди. Унинг "Кўҳна Бухоро", "Эрта баҳор", "Гулчи қиз", "Ҳижрон ва алам" деб номланган расмларида чиндан-да она-юрт меҳри, диёримиз гўзаллиги, кишиларимиз меҳнати улуғланади. Бундай асарлар олдидан бефарқ ўтиб кетолмайди, киши.

А.Рамазонов асосан табиат манзараларию юртдошлари қиёфасини мўйқалам билан мангу меҳрлашдек нозик санъатни эгаллаганлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. У бу соҳада ўз йўлини танлаб олган ҳақиқий ижодкордир. Аслон Рамазонов томонидан яратилган портретларда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини ҳам, меҳнат фахрийларию фан ва маданият арбобларини ҳам кўриш мумкин. Айниқса тарихий шахслар образларини яратиш устида тинимсиз изланади ва бу борада муайян ютуқларга эришган ҳам. Буюк Амир Темур, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий, форс шоири Абулқосим Фирдавсий сингари халқимизнинг асл фарзандлари сиймолари акс эттирилган тўлақонли портрет намуналарини ҳам санъат ихлосмандлари ҳамиша катта мамнуният билан томоша қиладилар. Бу расмлар барча-барчада буюк ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотиши турган гап.

— Хилма-хил товланувчи қоракўл териларга боқиб, — дейди у, — ҳаёт жўшқинлигини ҳис этгандай бўламан. Айнан ана шу жўшқинлик мени олға ундагани-ундаган. Кимнинг суратига сайқал беришимдан қатъий назар, мен ҳамиша ана шу ҳаётбахш жўшқинлик таъсири ва оғушидаман.

Чиндан ҳам шундай. 1998 йилнинг ноябрь ойи Аслон ака ҳаётида, айниқса қувончли бўлди. Ўшанда Бухорога расмий ташриф билан келган ЮНЕСКО бош директори Ф.Майорга Аслон Рамазонов ўзи ишлаган унинг портретини тақдим этди. Ярқираб кўзга ташланувчи қоракўл терилардан ишланган бу портретни кўрган нуфузли ташкилот раҳбари ҳайратини яшира олмади, ўзбек мусаввирига қайта-қайта миннатдорлик изҳор этди.

Бухоролик мусаввирнинг асосан реалистик жанрда иш юритиши унинг асарлари жаҳон миқёсида оммалашувига, мухлислар томонидан эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Аслон Рамазонов яратган расмлар Франция, АҚШ, Туркия, Исроил, Корея, Россия, Туркманистон ва бошқа бир қатор давлатлардаги кўргазмалардан кенг ўрин олган. Қоракўл тери парчаларидан яратилган катта ва яхлит бир панно, жумладан, Москва давлат дизайн ва технология университетининг муҳташам залини безаб турибди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аслон Рамазонов ўзи билан бирга ишлаган ҳамкасбларини тез-тез эслайди. Фиждувонлик рассомлардан Илҳом Муҳамадиев, Замир Раҳимов, ҳозирги пайтда Навоий шаҳрида яшаётган Вилкас Казис Алгемантас ва бошқалар билан тез-тез учрашиб туради. Шогирдлари-ку - унинг жону дили. Иқтидорли ёш рассом Нозима Ҳамроева устоз ишончини оқлаган шогирдлардан биридир. У Тошкентда ўтказилган "Болалар санъати —2000" халқаро фестивалида кумуш медалга сазовор бўлди.

Аслон аканинг бошқа бир шогирди — Зебинисо Шарипова эса Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтини битирган.

Аслон Рамазонов ўз иқтидорини фарзандларига ҳам "юқтирган". Ўғил-қизлари — Хурсанд, Мурод, Нодирабегим, гарчи рассом бўлиб етишмасалар-да, аммо чин инсонийлик, одамохунлик, меҳнатсеварлик ва бошқа фазилатларни оталаридан ўрганишган.

Ҳа, Аслон ака — чиндан-да камтарин, ҳалол инсон. Ў шу кунгача бирор-бир унвон ёки мукофот илинжида елиб-югургани йўқ. У 1999 йилдан бери "Мусаввир" бадиий-ҳунармандчилик ва илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳузуридаги "Ҳунарманд" ассоциациясининг аъзоси ҳисобланади. Бундан 6 йил аввал иқтидорли рассомнинг Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганлиги унинг кучигакуч, ғайратига-ғайрат, илҳомига-илҳом қўшди. Аслон Рамазонов — ўз ҳунарини ёшларга қунт билан ўргатаётган моҳир педагог ҳам. Ҳозирги пайтда эса у ҳам тадбиркор, ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Бухоро минтақавий илмий маркази тасвирий ва амалий санъат бўлимининг бошлиғи сифатида изчил фаолият юритмоқда.

ҚАДИМГИ ОБИДАЛАР

Тўғрисини айтганда, Далварзинтепа ҳақида илгари ҳам кўп ёзилган. Талайгина афсона ва ривоятлар эълон қилинган. Ҳатто 1972 йилда топилган 36 килограмм вазндаги тилла тақинчоқлар ҳам кўпларга маълум. Кушон даврига оид хум, тоғора, кўза, ханжар, қилич, сопол идишлар, оддий тақинчоқлар, танга пуллар ҳақида «Сурхондарё», «Термиз» китобларида, шунингдек, ўқувчиларнинг дарсликларида батафсил баён қилинган.

Тарихингдир минг асрлар...

■ Муҳаммаджон БЎТАЕВ, журналист

Биз бу китоблардан Сурхон воҳасининг ўтмиши ҳақида маълумотга эга бўлгандик. Археолог М.Массон, Е.Пугаченкова ва бошқа қадимшуносларнинг илмий хулосасини билардик, холос. Бироқ кейинги йилларда Будда динига доир топилмалар ҳам ҳаммани қизиқтира бошлади. Далварзинтепа шаҳристони яқинидан Будда ибодатхонаси қолдиқлари, Будданинг боши, Бодисатванинг маҳобатли ҳайкали чиққанидан сўнг жаҳон халқлари эътибори шу топилдиқларга қаратилди. Японияниг Нара шаҳрида ана шу топилдиқлар кўргазмаси намойиш этилганда Кунчиқар давлат фуқаролари лолу ҳайратда қолдилар. Негаки, улар Будда динига мансуб кишилардир. Шунингдек, Далварзинтенага яқин жойдаги Холчаён, Будрач шаҳарлари топилдиқларидаги Будда динига доир ашёлар уларнинг ҳайратини янада оширди.

Далварзинтепа, Холчаён ва Будрач топилдиқларига японларнинг қизиқиши Будда ибодатхонаси, Будда боши ва Бодисатванинг улкан ҳайкали туфайлигина ортгани йўқ. Балки бошқа намуналар ҳам японларнинг диққатини бизга — Ўзбекистонга, хусусан, Сурхондарёга қаратди. Улар бу ерлардаги харобаларда Буддага мансуб яна қанча-қанча маълумотлар топилишига умид боғладилар.

ФАЁЗТЕПА ИБОДАТХОНАСИ

2003-2006 йилларда Сурхондарёга Япония, Россия, Франция ва Германия қадимшунослари келиб, Далварзинтепа, Холчаён, Будрач, Эски Термиз, Кампиртепа, Фаёзтепа, Қоратепа ва бошқа обидаларни қазишни давом эттиришди ҳамда кўп йиллик тадқиқотлар "ташхис"ини қўйишди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Термиз Давлат университетининг қадимшунос олимлари бу тадқиқотларнинг бошида туришди. Улар сафида Ўзбекистон Миллий университети аспиранти Жалолиддин Аннаев, Термиз Давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Тўхташ Аннаев, Сурхондарё археология музейи директори Исмоил Ботиров ва бошқа олимлар бор эди.

Шундай қилиб, Фаёзтепадан ҳам Будда ибодатхонаси, Бодисатва ҳайкали ва бошқа нарсалар топилди. Энг муҳими— бу ибодатхона жуда кўп майдонни эгаллаган, шунинг учун олимлар Будда динига оид энг яхши топилдиқ шу, деб тан олишди. Пировардида Будда дини шу ердан Хитой, Ҳиндистон, Японияга ёйилган деган тўхтамга келишди. Шунинг учун Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ЮНЕСКОнинг республикамиздаги ваколатхонаси ва Япония илмий-маданий марказлари ҳамкорлигида Фаёзтепада ана шу топилган ибодатхонанинг кичик намунаси барпо қилинди.

ҚОРАТЕПА ТИЛГА КИРДИ

Сурхон замини— обидаларга жуда бой. Илмий тадқиқотлар воҳада бундан тўрт-беш минг йиллар илгари деҳқончилик, ҳунармандчилик ниҳоятда ривожлангани, Кушон, Бақтрия ва Чағониён давлатларининг санъати, маданияти нечоғли яхши даражада бўлганидан хабар беради. Айтишларича, ўша пайтлардаёқ суғориш иншоотлари, ҳатто қувурлардан фойдаланилганки, бундай далиллар аждодларимизнинг ақл-заковати юксак бўлганидан далолатдир. Бироқ эрамиздан олдинги 2-1 мингинчи йилларда буддавийлик ҳам камол топганлиги маълум. Фаёзтепада археологик қазилмалар ниҳоясига етмай туриб, унинг ёнидаги қишлоқда, яъни Қоратепада тағин Будда ибодатхонаси, Будда ҳайкали ва бошқа ашёвий далиллар топилгани ҳаммани ҳайратга солди. Хусусан, буддавийларнинг шамчироғи ёнди. Илгари Далварзинтепа, Холчаён, Будрач, Кампиртепа, Жарқўтон, Эски Термиз қазишмаларида топилган ашёлардан ҳам бу ердагилар қадимий эканлиги исботланди. Қадимшунос олим Эдуард Ртвладзе, япон тарихшуноси ва археология ишлари бўйича олим Кюзо Като ҳам шундай фикрдалар. Ҳатто Кюзо Като бу ердаги тиканли гулни кўриб, қувончдан кўзига ёш келди. У Япония давлати мадҳиясини айтиб, Будда топилдиқларини тавоб килиб, 84 ёшда бўлса ҳам ўзини ёш болалардай енгил тутди. Нега дейсизми? Чунки, агар шу ибодатхона, ҳайкал ва бошқа ашёлар чиндан ҳам далил бўлиб, буддавийлик шу ердан бошлангани исботланса, японларгина эмас, ҳатто хитойликлар, ҳиндистонликлар сингари Будда динига мансуб бошқа кишилар ҳам шу ерга келиб, сажда қила бошлайдилар.

Кюзо Като янгиликларни Японияда маълум қилиш, йилига бир марта чиқадиган "Ойхонум" журналида чоп этиш, янги топилдиқлар асосида кўргазма ташкил этиш ниятида юртига жўнаб кетган эди. У ҳадемай яна Сурхондарёга келиб, бошлаган ишини давом эттиради.

Кюзо Като ватанига жўнаб кетаётганида:

— Мен саксон тўрт ёшга кирдим, умримни яшаб бўлдим. Бироқ Қоратепа қазишмаларида қатнашганим боис, вафот этсам ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қиламан, — деганди.

Дарвоқе, Фаёзтепа ва Қоратепа тилга кириб, кўп нарсаларга аниқлик киритар экан, бу ўзбек ва япон халқларининг жуда қадимдан дўстона ва аҳил яшаб келганлигига яққол далилдир.

ФОТОАЙБНОМА

Қаровсизлик

МИРОБОД ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Маданий ҳордиқ чиқариш, ишдан бўш пайтларни мазмунли ўтказиш учун истироҳат боғидан қулай жой бўлмаса керак. Кўпчилик бу имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилади. Пойтахтимизда бир-биридан кўркам, хушманзара боғ-роғлар йил сайин кўпайиб, аҳоли учун кенг қулайликлар яратилаётгани қувонарли ҳолдир.

■ Шуҳрат РАҲИМОВ, «XXI asr» мухбири

Бироқ Миробод тумани ҳудудида жойлашган Фурқат номли маданият ва истироҳат боғи ҳақида бундай деб бўлмайди. Умумхалқ мулкининг қаровсиз ҳолда қолдирилганлиги ғоят ачинарлидир. Салкам 10 гектар майдонни эгаллаган ушбу масканда дов-дарахтлар сероб, айниқса, ёз кунлари мириқиб ҳордиқ чиқарса бўлади. Афсус дарвозадан киришингиз билан нохуш, кўнгилсиз манзарага дуч келасиз. Чор-атроф антисанитария ҳолатида. Шох-шаббалари тарвақайлаб кетган дов-дарахтларнинг бир қисми қуриб қолган. Мавжуд аттракцион ускуналар таъмирталаб. Шаҳар марказида жойлашган катта боғнинг эртаю кеч ҳувиллаб ётиши балки шундандир?

Ичкари кирганингиз сари таъбингиз хира тортади. Шундоқ кираверишда (суратда кўриб турганингиздек) чала қурилиш "савлат" тўкиб турибди. Айтишларича, Алишер Пирматов исмли шахсга қарашли бу иншоот лойиҳа ҳужжатлари етарли бўлмаганлиги учун чала ҳолича қолиб кетган.

— Биз боғимизнинг саранжом-саришта, гавжум бўлишини истаймиз, — дейди мутасаддилардан бири. — Аммо муаммо кўп. "Беҳзод савдо" МЧЖга қарашли бўлган ушбу ҳудуд умуман назоратдан четда. Аҳволни қаранг: ҳаммаёқ ифлос, чиқиндига тўла. Санитария-гигиена қоидалари барбод бўлаётганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ер ижараси учун ҳақ тўланмайди. "Отабек Шаҳзод" фирмасига қарашли "Арк" кафесининг алоҳида саунаси эса айрим кимсалар учун хос "хона" га айлантирилган.

Начора, улар ҳам ўзича хўжайин, бизга бўйсунишмайди.

Юқоридаги хунук манзаралар билан танишгач, беихтиёр саволлар гирдобида қоласиз. Пойтахтимизнинг гавжум ҳудудларидан бирида жойлашган маданият ва истироҳат боғи нега шу кўйга тушиб қолди? Лоқайдлик, эътиборсизликнинг сабаби нима? Наҳотки шаҳар бедарвоза бўлса?

Ўйлаймизки, шаҳар ва туман мутасаддилари юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, аҳволни ўнглаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширадилар.



ИНСОННИНГ тушунмай ва ўзини тута билмай қолган пайти унинг энг ёмон ҳолатидир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КХДР

Дунёни ларзага солган портлаш

9 ОКТЯБРЬ КУНИ КХДРНИНГ ХВАДЕРИ ПОЛИГОНИДА СОДИР БЎЛДИ

Ядро қуролига эга давлатлар сони яна биттага кўпайди дейиш мумкин, энди. Бугун Шимолий Корея атом бомбасини муваффақиятли равишда синовдан ўтказгани халқаро ҳамжамиятнинг жиддий ва асосли эътирозига сазовор бўлди. Синовлар корейс ярим оролидаги шусиз ҳам танг вазиятни янада кескинлаштириб юборди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзолари Пхеньян ҳаракатларини қоралаб, унга нисбатан жиддий жазо чоралари қўлланиши керак, деган фикрда якдил турибдилар.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ

Пхеньян ядро синовидан икки соат аввал Москвани, 20 дақиқа аввал эса Пекинни огоҳлантирди. Кечга яқин эса Корея Марказий телеграф агентлиги (КМТА) 9 октябрь куни ўз олимлари ва технологлари ёрдамида "хавфсиз ва муваффақиятли ерости ядро синови ўтказилгани" ҳақида хабар тарқатди.

Экспертларнинг фикрига кўра, Корея Халқ Демократик Республикаси портлаш натижасида атрофдаги жисмларни катта тезликда ўзига тортувчи плутоний-239 зарядидан фойдаланган бўлиши мумкин. 1945 йил АҚШда инсоният тарихидаги илк атом бомбаси синовида айнан шу моддадан фойдаланилганди. Портлаш ҳосил қилиш учун 5 кг. плутоний керак бўлади. Ғарб матбуотининг тасдиқлашича, Пхеньян ихтиёрида 40 кг. плутоний бор.

Бироқ The Washington Times АҚШ разведка маълумотлари 9 октябрь куни Хвадери полигонида ядро қуроли эмас, балки жуда катта миқдорда тротил портлатилган, деган хулосага келганини ёзди.

Нима бўлганда ҳам Пхеньян нафақат Корея яримороли, балки Узоқ Шарқ минтақасидаги барқарорликка жиддий хавф солгани аниқ. Бу ҳол эндиликда қўшни давлатларни ҳам ядровий тадқиқотлар устида иш олиб боришга мажбур этиши мумкин. КХДРга қўшни барча давлатлар унинг бу ҳаракатларини жиддий танқид остига олдилар. Расмий ташриф билан Сеулда бўлган Японияннинг янги бош вазири Синдзо Абе АҚШ президенти Жорж Буш билан 15 дақиқа давомида воқеа юзасидан фикр алмашди ва улар "қатъий чоралар кўришга" келишиб олдилар. Жанубий Корея президенти Но Му Хен ядро портлаши икки Корея ўртасидаги муносабатларни анча қийинлаштириб қўйишини айтди. Сеул шу куниёқ КХДРга жўнатилаётган гуманитар ёрдамни тўхтатиб, ўз қуролли кучларини юқори жанговар тайёргарлик ҳолатига келтиришга буйруқ берди. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги КХДРнинг "халқаро ҳамжамиятнинг огоҳлантиришларига қарамай, синов ўтказганига қарши қатъий эътироз" билдирди.

Шимолий Кореядаги ядровий синов унинг энг яқин сиёсий ва иқтисодий иттифоқчиси — Хитойга сиёсий зарба бўлди, дейиш мумкин. Айни сабаб Хитойнинг бугунги баёноти кескин бўлди. Олти томонлама музокараларнинг нейтрал қатнашчиси Россия учун эса хавфсизлик нуқтаи-назаридан нохуш воқеа саналади. Чунки Россия яқин кунларда чегаралари яқинида яна бир қудратли ядровий давлат пайдо бўлиши турган гап. Энг ёмони Шимолий Кореянинг хатти-ҳаракатлари дунёда ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги битимни хавф остига қўяди.

Россия президенти Владимир Путин ҳукумат мажлисида Шимолий Кореянинг бу ҳаракатини қоралаб, унинг дунёда оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш жараёнига катта зарар етказганини таъкидлади. Шимолий Корея ядро синовларини ўтказиб, унга нисбатан юмшоқроқ муносабатда бўлишларини сўраган Россия ва Хитойни ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки мамлакат АҚШ ва Японияннинг мазкур воқеага муносабати босиқ бўлишини, айни воқеалар қуролланиш пойгасига, минтақада кескинликни кучайтириш, ҳаво ҳужумидан ракета тизими ёки ядро қуролларининг янги тизимларини яратиш учун ҳизмат қилмаслигини истайди. Шу боис сиёсатчилар жаҳон ҳамжамияти ҳам, Шимолий Кореянинг ядровий масаласида қатнашаётган олти мамлакат вакиллари ҳам бундай мураккаб шароитда эҳтиросларга берилмай, ўз мавқеларини мувофиқлаштириб олишлари зарур, деган фикрдалар. Шимолий Корея ҳар доим давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан унумли фойдаланган ва ҳар бир нобоп қадам унинг маневрлар ва шантажни ишга солишига, халқаро жамоатчилик билан самарали сиёсий савдо олиб боришига олиб келиши эҳтимолдан йироқ эмас.

3 октябрь куни расмий Пхеньян тарқатган баёнотда "АҚШ томонидан ядро уруши хавфи ва иқтисодий жазо шароитида КХДРда ядро синовидан бошқа чора йўқлиги" таъкидланганди. Дарҳақиқат, АҚШ Шимолий кореяликлар бевосита музокараларга тортишга уринаётган асосий ўйинчидир. Унутмаслик керак, айнан Вашингтоннинг баёнотлари, яъни Пхеньянни "ёвузлик ўчоғи" мамлакатлари сафига қўшиши, унга нисбатан душманона чоралар кўриши ва ниҳоят, ўзбошимчалик билан Ироққа бостириб кириши уни ядро қуролини яратишга ундаган омиллардандир. Демак, АҚШ тактик ён беришларга бориши – унга ядровий қуролдан воз кечиш эвазига хавфсизлик кафолатини бериши ёки Корея ярим оролида кескинликни юмшатишга доир чоралар кўриши зарур.

Кузатувчилар Шимолий Корея синовларининг БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан айнан Эрон ядро дастури масаласи кўриладиган ҳафтада ўтказилганлиги бежиз эмас, деб ҳисоблашмоқда. Чунки АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатлар Теҳрон масаласи муҳокамаси билан билан банд бўлиб турган бир пайтда "иккинчи фронт" очган Пхеньян халқаро ҳамжамиятнинг кескин ва қатъий жавоб чоралар кўра олмаслигига умид қилаяпти. Шимолий Корея ядро қуроли бўйича шу пайтгача тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришдан бош тортиб келган Вашингтоннинг энди зиддиятни куч эмас, дипломатик йўл билан ҳал қилиш йўлларини излашга мажбур этишига умид боғламоқда. Ваҳоланки, Жорж Буш ўз баёнотида мамлакати муаммони фақат дипломатик йўллар билан ечишга уринаётганини айтди.

"Global Insight" (Лондон) консалтинг компанияси экспертлари фикрига кўра, Шимолий Корея ядро қуролини синовдан ўтказиши, шубҳасиз, минтақа барқарорлигига салбий кўрсатади. Аммо шу билан бирга Пхеньян туғдираётган хавф Шимоли-Шарқий Осиёдаги (Узоқ Шарқ) бошқа давлатларни бу соҳада ўзаро ҳамкорлик қилишга ундайди. Яъни умумий таҳдид олдида бу давлатлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланишига умид қилиш мумкин. КХДРни музокаралар столига қайтаришда эса Хитой ва Россия ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Таъкидламоқ жоизки, халқаро хавфсизликни таъминлаш давлатлар ўртасидаги муносабатларда жуда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ядро қуролининг пайдо бўлиши ва унинг давлатлар орасида тарқалиши ҳозирги дунёвий тартиботни маълум даражада шакллантирди. Яъни оммавий қирғин қуроли тарқалмаслигини таъминлаш халқаро хавфсизлик тизимининг энг устувор талабига айланди. Шу билан бирга бу талаб ўзга давлатларга зуғум ўтказиш воситаси бўлиб қолаётганини АҚШнинг Ироқ (Саддам Ҳусайн режими), Эрон билан муносабатларида ҳам кўриш мумкин. Шимолий Корея ҳам ўз ядро дастурини асослашда ана шу аргументдан фойдаланишга ҳаракат қилаяпти. Лекин кўпчилик мутахассисларда Пхеньян позициясидаги муросасизлик ва музокаралардан ошкора бош тортиш унинг минтақа учун дарҳақиқат жиддий таҳдид бўлишига шубҳа қилмаяптилар.

Ҳозирги вазиятда, деб ҳисоблайди шарҳловчилар, халқаро ҳамжамият кенг қамровли иқтисодий санкциялар ёки ҳарбий куч қўллаш чорасидан қочиши керак. Муҳими, Пхеньянни олти томонлама музокаралар столига қайтаришга ундовчи қулай шароит яратиш мақсадга мувофиқ.

РОССИЯ

Мисли кўрилмаган ўсиш

"Россия" телеканали хабарига кўра, мамлакат Марказий банки жорий йил январь-сентябрь ойлари учун Россия тўлов баланси баҳоларини эълон қилган.

Маълум бўлишича, Россия ўз тарихида сармоялар жалб қилиш бўйича мисли кўрилмаган ўсишни бошидан кечирмоқда. 2006 йилда тўғридан-тўғри сармоялар киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 3 фоизини ташкил этади, капиталнинг четга чиқиб кетиши ҳам қисқармоқда.

Мамлакат молия вазири Алексей Кудриннинг таъкидлашича, Россияга ўтган тўққиз ой мобайнида 27 млрд. доллар кириб келган. Тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар ҳажми 20 млрд. долларга етиб, Россия бу кўрсаткич бўйича Япония ва Канададан ўзиб кетди.

Ҳисоб-китобларга кўра, йил охиригача Россияга киритилган тўғридан-тўғри сармоялар 30 млрд. долларга етиши ёки ЯИМнинг 3 фоизини ташкил этиши мумкин. 2004 йилда бу кўрсаткич Чехия ва Венгрияда 4,2, Хитойда 3,5, Польшада 2,3 фоиз бўлган эди.

НАТО

Украина НАТОга аъзо бўлмайди

"Независимая газета" ёзишича, ноябрь ойининг охирида Ригада ўтказиладиган НАТО саммити эшиклари Украина учун ёпиқ бўлади. Бундан тахминан бир йил аввал президент Виктор Юшченко Киев ўз тақдирини бундан буён НАТО билан боғлашини, кейинги йил саммитидаёқ ташкилотга аъзолик бўйича ҳаракатлар дастурига имзо чекишини таъкидлаганди.

Бироқ бош вазирлик курсисига Виктор Янукович ўтирганидан буён Украинанинг ташқи сиёсатдаги режалари кескин ўзгарди.

Мудофаа вазири Анатолий Гриценко Рига саммитида Украинанинг блокка аъзолиги масаласи нафақат кўрилмаслигини, балки тадбирга мамлакат делегацияси таклиф ҳам қилинмаганлигини айтди. Украиналик кузатувчилар буни Виктор Януковичнинг НАТО вакиллари билан Брюсселда бўлиб ўтган учрашуви билан боғламоқдалар. Янукович жанобларининг Украина халқи ҳали-бери ушбу ҳарбий блокка аъзо бўлишга тайёр эмаслиги ҳақидаги баёнотлари НАТО раҳбариятини Киевни ўз қанотига олиш бўйича ниятидан қайтарди.

Бироқ айнан Франция президентининг муносабати Украинани аъзо қилиб олиш масаласининг кун тартибидан олиб ташланишига сабаб бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Жак Ширак 2007 йилда Руминия ва Болгариянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киришидан сўнг ЕИга, шунингдек, НАТОга янги аъзолар қабул қилишни тўхтатиб туриш керак, дея фикр билдирган.

Рига саммитига Украина билан бирга аввал кузатувчи сифатида иштирок этиб келган Россия ҳам таклиф этилмаган. Мезбон – Латвия президенти Вайра Вике-Фрайберг блок масалаларини тор доирада муҳокама қилишни таклиф этган.

ЕВРОПА

Шарқий Европа инқирози

Сўнгги ҳафталарда Шарқий Европадаги икки давлат — Венгрия ва Польшада юз бераётган воқеалар жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. Венгрия пойтахти — Будапештда амалдаги социалистлар ҳукуматига қарши йирик намойишлар уюштирилган бўлса, Польшада ҳам мухолифатчи кучлар ҳаракатга келди. Аслида ҳар икки мамлакатда рўй берган сиёсий инқироз ортида мухолифатчиларнинг ғоявий қуролига айланган оммавий ахборот воситалари тургани сир эмас.

Венгрияда 2004 йил охирида бош вазир лавозимини эгаллаган 45 яшар миллионер сиёсатчи Ференц Дюрчаннинг ўзи "қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйди". Шу йилнинг май ойи охирида вазирлар билан бўлиб ўтган ёпиқ учрашувда парламент сайловларида ғолиб чиқиш учун иқтисодий вазият ҳақида ёлғон гапирганини гуллаб қўйгани, айниқса, "иқтисодиёт тўғрисида ҳукумат эртадан кечгача алдаш билан банд бўлди" деган сўзлари қайд этилган 25 дақиқали тасма Венгрия давлат радиоси интернет-сайтида ошкор қилинганидан сўнг мамлакатда бошланиб кетган оммавий намойишлар ҳамон тинчигани йўқ.

Польшада ҳам мухолифатчилар ҳокимиятни эгаллаш мақсадида венгриялик ҳамкасблари усулини қўллаган ҳолда яширин камерадан фойдаланишди. 26 сентябрь куни мамлакатдаги йирик хусусий TVN телеканалида бош вазир Ярослав Качинский ёрдамчиси Адам Липиньский ва "Самооборона" партиясидан парламент депутати Ренат Бегер ўртасидаги музокаралар эфирга узатилди. Унда Липиньский Бегерга ўз сафдошларини тарк этиб, ҳукуматни бошқараётган "Адолат ва ҳуқуқ" партиясига қўшилишни таклиф этган, эвазига қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари лавозимини беришни ваъда қилганди. Яширин суратга олинган мазкур тасма эфирга узатилиши билан асосий рақиб — "Фуқаролик платформаси" партияси шошилинч равишда матбуот анжумани ўтказиб, Сеймнинг тарқатиб юборилиши, ҳукуматнинг истеъфога чиқиши ва муддатидан аввал сайловлар ўтказилишини талаб қилдилар.

Венгрияда бюджет танқислигини ҳал этиш ва иқтисодиётни изга солиш 10,1 миллионли аҳолига эга ушбу кичик мамлакатнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Ўтган йили у мамлакат ЯИМининг 6,1 фоизини ташкил этган ва бош вазир Ференц Дюрчань уни бир йил ичида 4,7 фоизга, 2008 йилга бориб евроҳудудда ўрнатилган уч фоизли даражага туширишга ваъда берган эди. Аммо бюджет танқислиги бўйича Европа Иттифоқида биринчи ўринда турадиган Венгрияда жорий йилда бу муаммони ҳал этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги равшан. Маълумотларга кўра, бюджетдаги камомад ЯИМнинг 10,1 фоизига қадар кўтарилган. Давлат қарзи ҳам ортиб бораётир: ўтган йили у ЯИМнинг 62,3 фоизини ташкил этди. Боз устига инфляция ҳам ўсиб бормоқда: ҳукумат уни режалаштирилган 5-6 фоизли маррада сақлаб қололмаслиги аён бўлиб қолди, аксинча тез орада 9 фоизга чиқиши кутилмоқда. Кўплаб кузатувчилар, ЕИга аъзо бўлишни ўн йилдан ортиқ кутган, бу ташкилотни роҳат-фароғат, фаровон ҳаёт калити деб билган венгерларнинг сабр-косаси тўлганини таъкидлашмоқда. 2004 йил май ойида Шарқий Европадаги саккизта давлат ЕИга аъзо бўлди. Бироқ орадан бир ярим йил ўтса ҳамки, амалда одамлар ҳаётида ҳеч нарса ўзгармади. Аксинча нарх-наво кўтарилиб кетди.

Сиёсатчилар Европага интеграциялашув ҳақида қанчалар жон куйдирмасинлар, Шарқий Европа давлатлари фуқароларига бу ғоя ҳозирча фақат кўнгилсизлик келтирмоқда.

Буларнинг барчаси ЕИга янги аъзо давлатларда евроскептицизм руҳи кучайишига сабаб бўлаяпти. Агар 2003 йилда Венгриянинг 80 фоиздан кўпроқ фуқароси ЕИга аъзо бўлишни ёқлаб овоз берган бўлса, шу йилги сўровларга кўра, ҳозир уларнинг бор-йўғи 44 фоизи мазкур қадамни ижобий ҳодиса сифатида баҳоламоқда.

СЎНГГИ САҲИФА

ИНСОНГА ҳаётда энг кўп фойда берадиган нарса — умид

ОСИЁ КУБОГИ — 2007

ФУТБОЛ

Рақиб ярим соатда мағлуб этилди

Кеча Бангладеш пойтахти — Даккадаги "Армиячилар" стадионида футбол бўйича Осиё кубоги-2007 мусобақасининг саралаш босқичи доирасида маҳаллий терма жамоага қарши майдонга тушган ўзбекистонлик чарм тўп усталари 4:0 ҳисобида ғалаба қозондилар

■ Шуҳрат ХЎЖАЕВ

Умуман олганда, жамоамизнинг мазкур ўйиндан авваллги аҳволига ҳавас қилиб бўлмасди: ўтказилган тўрт тур натижаларига кўра 12 имкониятдан бор-йўғи 5 очко тўплаган термамиз гуруҳдан чиқиш-чиқмаслиги кечаги учрашув ҳамда 15 ноябрь куни Тошкентда ўтказиладиган олтинчи тур ўйинига боғлиқ бўлиб қолганди. Бошқача қилиб айтганда, Валерий Непомняший шогирдлари қолган ўйинларни ўз фойдаларига якунласаларгина, ана шу мушкул вазиятдан чиқиб кета олардилар. Бундай масъулиятли вазифани уддалаш осон иш эмасди. Боиси — сўнгги икки ўйинда ғалаба қозона олмай, тушкун кайфиятга тушиб қолган футболчиларимиз Даккада бангладешлик футболчилардан ташқари, стадионга йиғилган кўп мингли томошабинлар қаршилигини ҳам енгишлари керак эди.

Шундай бўлса-да, дарвозабон билан боғлиқ муаммони ҳисобга олмаганда, жиддий йўқотишларга учрамаган, аксинча, Илёс Зейтуллаев, Андрей Фёдоров, Максим Шацких каби футболчилар ҳисобига кучайтирилган таркиб билан термамиз кўп нарсага қодирлигини амалда исботлади. Эътиборли томони шундаки, ўйиннинг тақдири биринчи бўлимдаёқ ҳал қилинди. Жумладан, Италиянинг "Женоа" клубида тўп сурувчи легионеримиз Илёс Зейтуллаев томонидан 10-дақиқада очилган ҳисоб, кўп ўтмай, Қозоғистоннинг "Тоболь" клуби вакили Улуғбек Бақоев саъй-ҳаракати билан 0:2 га етказилди. Ундан сўнг "голлар шоу"сини уюштиришда "пахтакор"чи Сервер Жепаров (22-дақиқа) ва Киевнинг "Динамо" жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких (29-дақиқа) ўзларини кўрсатишди.

Иккинчи бўлимда дарвозаларга тўп киритилмади.

Шу тариқа бангладешликлар билан учинчи маротаба учрашган Ўзбекистон терма жамоаси учинчи йирик ҳисобни қайд этишга муваффақ бўлди. Эслатиб ўтиш жоиз: бундан аввал вакилларимиз худди шу терма жамоани 1999 йили БААда (6:0) ва 2006 йилнинг февралида Тошкентда (5:0) мағлуб этишганди.

8 очко тўплаган вакилларимиз гуруҳдаги аҳволларини бир мунча яхшилашга эришдилар. Энди футболчиларимиз ҳозирча асосий ҳисобланган мақсадларига етиш учун қарийб бир ойдан сўнг Марказий "Пахтакор" стадионида бўлиб ўтадиган сўнгги тур учрашувида қитъа биринчилигида қатнашиш муаммосини аллақачон ҳал қилиб бўлган Қатар терма жамоасини енгишлари лозим бўлади.

МУСОБАҚА

Журналистлар, турнирга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридаги вазифаларни изчил ижро этиш ҳамда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари таҳририяти соврини учун республика журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, минифутбол бўйича анъанавий 2-турнир шу йилнинг 26 октябрь-6 ноябрь кунлари ўтказилади.

Мазкур турнир Тошкент шаҳридаги "Истиқлол" спорт мажмуи стадионида уюштирилади. Унда иштирок этишни хоҳлаган мамлакат оммавий ахборот воситалари жамоалари тегишли талабномани "Спорт" газетаси таҳририятига 2006 йилнинг 20 октябрига қадар етказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67-"а" уй. Тел: 144-17-37, 396-39-49, факс: 393-19-59.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

16-22 октябрь

ҚЎЙ. Буржнинг аксарият вакиллари янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишга, манфаатли битимларни имзолашга, умуман барча соҳаларда олға қадам ташлашга муваффақ бўладилар. "Қора рўйхат"га тушиб қолмай, десангиз, жамоангизнинг барча тадбирларида фаол қатнашинг.

БУЗОҚ. Хунук оқибатларни келтириб чиқарувчи хатоларга йўл қўймай, десангиз, ҳафта мобайнида имзоламоқчи бўлган ҳужжатларингизни синчковлик билан ўрганиб чиқишга, хулосалар чиқариш давомида эса шошма-шошарлик қилмасликка интилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Келаси ҳафтада шахсий ҳаётингиз ва фаолиятингиз кучайишига сабаб бўладиган йўлларни қидириб топишга, вақтингиз ниҳоятда мазмунли ўтишини таъминлашга ҳамда тўпланиб қолган маблағингизни фойдали ишга сарфлашга эришасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Имкони бўлса, бозорга тушиб, уйингизни янада файзли ва шинам қилиб кўрсатадиган ҳар хил буюм ва жиҳозларни сотиб олинг. Боиси — юлдузлар таъкидлашича, келаси ҳафтада уйингизга мартабали меҳмонларнинг келиши кутилмоқда.

АРСЛОН. Узоқ уфқларни кўзлашдан чўчиманг. Зеро, борди-ю, мушкул вазиятга тушиб қолсангиз, яқин танишларингиз шу заҳоти кўмак беришлари аниқ. Ҳафта аввалида юзага келган оилавий муаммоларни ҳал қилишда қийналмайсиз.

ПАРИЗОД. Иложини топсангиз, дам олиб, мўлжаллаётган янги режаларингизни амалга татбиқ этиш учун куч йиғинг. Фирибгарларнинг домига тушишдан эҳтиёт бўлинг. Шубҳали "ҳамкор"лар таклифини рад этинг. Омадли келиши кутилаётган 17-18 октябрь кунларидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ. Ҳафта ўта муҳим, ҳаётингизда туб бурилишлар ясайдиган, аммо ижобий натижалар келтирадиган воқеаларга бой бўлади. 20-21 октябрь кунларида фаоллигингиз ошиб, бизнесингизни кенгайтиришга, иш жойингизда вужудга келган жиддий муаммоларни деярли ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳал қилишга муваффақ бўласиз.

ЧАЁН. Ҳафтанинг дастлабки кунларида инвестицион маблағлар талаб этадиган манфаатли таклифларга дуч келган бурж вакиллари дам олиш кунлари арафасида, икки ўт орасида қолсалар-да, қийин вазиятдан дипломатик йўлларни қўллаган ҳолда чиқиб кетишга эришадилар.

ЎҚОТАР. Уйда ҳам, ишхонада ҳам қутилмаган совғалар билан тақдирланиши кутилаётган "ўқотар"лар севикли инсонлари билан орадаги муносабатларини яхшилаб олсалар, ўзларига ўхшаган ҳамфикрларнинг ёрдамига таянган ҳолда янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятига эга бўладилар.

ТОҒЭЧКИСИ. Ҳафта давомида бор куч-ғайратингизни мартаба, шунингдек, жамоада тутган ўрнингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга сарфланг. Чунончи, шу кунларда раҳбарият синов тарзида сизга катта масъулият ва меҳнат талаб этадиган иш буюриши, юклатилган вазифани бажарсангиз, намуна сифатида юқори лавозимга тавсия этиши мумкин.

ҚОВҒА. Чув тушиб қолмай, десангиз, енгил йўл билан топиладиган шубҳали даромадларга боғлиқ ишларга аралашманг, жумладан, арзон нархланган буюмларни харид қилманг. Аксинча, қийин бўлса ҳам, имконини топиб, банк иши ва тил ўрганиш курсларида таълим олиб, билимингизни ошириш пайида бўлинг.

БАЛИҚ. Ҳафта мобайнида келажагингиз учун режалар ишлаб чиқишга, дунёқарашингизни кенгайтиришга, қоларверса, яқинларингиз билан муносабатларни аъло даражага етказишга муваффақ бўласиз. Бундан ташқари, бурж вакиллари нисбатан қисқа муддат давомида ёркин хотираларга бой сафарларга чиқадилар.

ТАРИХГА НАЗАР

БУ АЖИБ ДУНЁ

Буюк Хитой деворининг «авлод»лари

Маълумки, милоддан аввалги III асрда хитойлик ҳукмдор Чин Ши Хуанди мамлакатнинг шимолий сарҳади бўйлаб чўзилган Буюк Хитой деворининг қурилишини бошлаб, эндиликда дунё мўъжизалари сирасига кирувчи иншоотнинг бунёд этилишига сабабчи бўлган.

Эътиборли томони шундаки, асосан шу ерлик халқларнинг чегара яқинида яшовчи беғона, кўчманчи қабилаларга қўшилиб кетмаслиги учун, шунингдек, ташқи душманларнинг кутилмаган ҳужумларидан сақланиш, қисқаси — давлат яхлитлигини таъминлаш мақсади кўзда тутилган деворни қуришда салтанат аҳолисининг бешдан бири — миллион нафардан ортиқ киши қатнашган. XIV асрда Мин сулоласи вакиллари томонидан қайта таъмирланган мазкур ноёб тарихий обиданинг умумий узунлиги айни пайтда 6350 км.ни ташкил этди.

Қизиғи шундаки, орадан 2300 йил вақт ўтгач, яъни бугунги кунда ҳам дунёнинг етакчи мамлакатларида давлат чегараларида ана шундай деворлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, АР ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган ҳафтада Саудия Арабистони ҳукумати қуролланган гуруҳларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтишини тўхтатиш мақсадида Ироқ чегараси бўйлаб Буюк Хитой деворичалик катта бўлмасада, ҳарқалай, ҳимоя тўсиғини қуриш режасини эълон қилган. Маълумотларга кўра, мазкур девор Қиролликда истиқомат қилувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширила бошланган 12 миллиард АҚШ долларлик лойиҳанинг бир қисмидир.

Катта тўсиқ ва тиконли симдан ташқари, радиосенсорлар, ҳаракат датчиклари, ультрабинафша камералар, автоматик турникет ва чегарани ноқонуний кесиб ўтишни қийинлаштирадиган бошқа техник воситалар билан жиҳозланадиган ҳимоя чизиғининг узунлиги 900 километр бўлиши кутилмоқда. Режага кўра, 2007 йилдан бошланиб, салкам олти йил давом этадиган қурилиш ишлари ҳукумат учун 500 миллион долларга тушади. Буни қарангки, айни шу кунларда АҚШ президенти ҳам мамлакатнинг Мексика билан чегарадош ҳудудида янги ҳимоя деворларини бунёд этиш ҳақидаги қонунни имзолади. Қонунга мувофиқ, ҳукумат такомиллаштирилган чегара, жумладан, янги блокпостларни қуриш учун 1,2 миллиард доллар ажратади.

ОБ-ҲАВО

12-18 октябрь кунлари республикамизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда янги ҳафтанинг дастлабки кунларида ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **5-9**, кундузи **18-23** даражани ташкил этади.

Сурхон-Қашқа минтақасининг шимолий туманларига ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси **8-13**, кундузи **23-28** атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ва Фарғона водийсида бугундан бошлаб деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси **8-13**, кундузи **21-25** даражани ташкил қилади.

Тошкентда ҳам бутун ҳафта мобайнида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **20-23** даража бўлади.

ЭЪЛОН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Н. ТОШЕВ, Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1267
Тираж: 11947

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иктимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©
XASR

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com